Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47-йил чиқиши. № 63 (13.019). 17 МАРТ 1965 йил ЧОРШАНБА *Баҳоси 2 тийин.*

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИДА

● Черкасси химия комбинатидаги азотли ўғитлар заводининг синтез цехи конверторларидан бири дастлабки аммиак берди. Маҳсулот Шебелинкидаги арзон табиий газни қайта ишлаш йўли билан олинди. Бу йил корхона коллективи топшириққа қўшимча суратда камида 2200 тонна аммиак ишлаб чиқариш мажбуриятини олди.

● Стеклопрофилит — янги бинокорлик материалидир. Бордаги (Горький области) ойна заводи мамлакатда биринчи бўлиб ана шу материални ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. У тўлқинсимон сиртли қалин ярим тиниқ ойнани эслатади. Бироқ стеклопрофилит ойнадан анча енгил ва пишиқ бўлиб, унинг йирик блоклари эса деворларни, хоналарнинг ички деворлари ва витражларни йиғиш учун жуда қулайдир.

● Мари АССР давлатга гўшт ва тухум сотиш квартал планини ошириб бажарди. Республика бу йилгидек кўп маҳсулотни ҳеч қачон етиштирмаган эди. Республика Волга—Вятка иқтисодий районида биринчи ўринга чиқиб олди.

● Пенза областидаги хўжаликлар давлатга гўшт сотиш квартал планини муддатидан олдин бажардилар.

● Октябрь революцияси номли вагон-ремонт заводининг коллективи Озарбайжонда биринчи бўлиб беш кунлик иш ҳафтасига ўтди. Энди корхонада меҳнат вахтаси саккиз соат давом этади. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, янги график асосида ишлашга ўтиш меҳнат унумдорлигини бир ярим процент ошириш имконини беради, машина-ускуналардан фойдаланишни анча яхшилайди.

(ТАСС).

КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯГА КЕНГ ЙЎЛ

Уз касбини, пахтакорлик шаънини улуғлаётган, ерни, сувни, техникани жондан севган, билим-тажрибасини коммунизм ишига наф етказишга сарфлаётган бизнинг меҳнатсевар пахтакорларимиз орасида янгилик ижодкорлари, юқори ҳосил усталари, илғор нарсаларнинг мухлислари кўп. Улар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини тез ривожлантириш, пахтачиликда прогрессив усулларни кенгроқ жорий этиш учун янги-янги ташаббуслар билан майдонга чиқмоқдалар, ҳамма яхши, илғор усулларни дадил қўллаб-қувватламоқдалар.

Бундан бир неча йил муқаддам пахтачиликда ҳамма ишларни машиналар билан бажаришга қаратилган янги ташаббус қанот ёзди. Янги истиқбол марраларини кўзловчи бу ташаббус икки-уч йил ичида катта ижобий самаралар берди ва ўзига кенг йўл очиб олди. Минг-минглаб пахтакорлар шу ташаббус изидан бориб, ўз колхоз ва совхозларида комплекс механизациялашган бригада ва звенолар туздилар. Меҳнатни янгича ташкил этишда ҳамда мўл-кўл маҳсулот етиштиришда бу бригада ва звеноларнинг устунлиги нимада? Аввало улар ўзларига бириктиб қўйилган экин майдонларининг шароитини, тупроқнинг хусусиятларини, ерни озиқлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш йўлларини обдон яхши биладилар. Бутун ишни юксак деҳқончилик маданияти асосларида қураётган бу бригада ва звенолар техникадан максимал даражада фойдаланишни ўз олдиларига асосий вазифа қилиб қўйганлар ва улар шу туфайли меҳнат ва маблағларни энг кам сарфлаган ҳолда арзон ва юқори сифатли маҳсулот етиштиришга эришмоқдалар.

Утган йилги мавсумда анчагина колхоз ва совхозларда комплекс механизациялашган бригадалар ишлади. Уларнинг иш якунлари комплекс механизацияга кўчиш жуда катта самаралар беришини амалда исбот этди. Фарғона областидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозида машҳур механизатор Қурбон Кенжаев бошлиқ комплекс механизациялашган бригада ўтган йили 54 гектар экин майдонининг ҳар гектаридан 35,7 центнердан ҳосил олди. Бир центнер пахта етиштириш учун 3,6 ишчи-кучи сарф қилинди, ҳосилнинг 92 проценти машиналар билан териб олинди. Бригаданинг ҳар бир аъзоси ҳиссасига етиштирилган маҳсулот 8,2 тоннаданга тўғри келди. Бригада аъзоларининг йиллик иш ҳақи бошқа бригадалардагига қараганда икки ҳисса кўп бўлди. Ваҳолонки, шу колхозда комплекс механизацияга ўтмаган бригадаларда сарф-харажат анча кўпайиб, пахта ҳосили 23.26 центнерни ташкил этди.

2-«Оққўрғон» совхозида ўртоқ Н. Худойбердиев бошлиқ бригада айниқса юксак кўрсаткичларга эришди. Бу бригаданинг гектаридан олган ҳосили 30 центнердан ошиб кетди. Бир центнер ҳосил етиштиришга 1,8 ишчи-кучи сарфланди, киши бошига 26 тоннадан пахта тўғри келди. Совхоз бўйича ҳар бир ишчининг йиллик ўртача иш ҳақи 953 сўмни ташкил этгани ҳолда, ўртоқ Н. Худойбердиев бригадасида бу рақам 1797 сўмга етди.

Комплекс механизациялашган бригада ва звенолар меҳнатни янгича ташкил этишнинг юксак формасидир. Уларнинг вужудга келиши пахтачилик соҳасида жуда кўп йиллар давомида тўпланган бой тажрибаларни умумлаштириш, қишлоқ хўжалик фани муваффақиятларини дадил қўлланиш, деҳқончиликда ҳозирги замон машина-техника даражасининг бекиёс ўсиб бораётганлигининг натижасидир. Энг муҳими бундай янгиликнинг тез ривожланиб бориши қишлоқ меҳнаткашларининг агробиология билимлари, техника малакалари ғоят ўсиб бораётганлиги, қишлоқ хўжалигида илмий йўналишлар билан практика бирлиги қатъий ҳаракат қилаётганлигини кўрсатади.

Янги ташаббуслар ҳаммамизнинг кўз олдимизда ривожланяпти. Бу ривожланиш неча минглаб деҳқонларнинг меҳнат фаолиятига шундай кучли таъсир кўрсатяптики, бунинг натижасида умумий ишларимиз янгича мазмун олмоқда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ўсиш суръатлари жиҳатидан янги чўққиларга кўтарилмоқда. Лекин энг яхши ташаббус ва тажриба ҳар қанча афзал, ҳар қанча устун бўлмасин у дадил қўллаб-қувватланмас, тез оммалаштирилмас ва жорий қилинмас экан у ўзига тўғри равон йўл тополмайди.

Шу сабабдан ҳам комплекс механизациялашган бригада ва звеноларнинг иш тажрибаларини кенг оммалаштириш ва ҳамма колхоз ва совхозларда уларнинг иш усулларини жорий эта бориш — партия, совет комсомол ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органларининг муҳим вазифасидир. Бу соҳада матбуот, радио, телевидение ва нашриёт органлари катта роль ўйнайдилар, комплекс механизациялашган бригада ва звеноларнинг иш тажрибаларини ўнғай, тушунарли усулларда ойдинлаштириб бера оладилар. Иқтисодий кўрсаткичларни, дала ишларининг уюштирилиши ва меҳнатнинг ташкил этилишини жонли, қизиқарли ҳикоя қилиб берувчи мақолалар шубҳасиз катта фойда келтиради. Шу билан бирга билимдон, омилкор механизаторлар, мутахассисларнинг бевосита колхоз ва совхозларда амалий суҳбатларини ташкил этиш, бу суҳбатларда пахтачиликда комплекс механизацияга ўтишнинг асосий йўлларини, ҳисобот — учёт системасини, меҳнатни уюштириш ва унга ҳақ тўлаш принципларини, ер-сувдан, минерал ўғит ва техникадан фойдаланиш усулларини кўрсатиб бериш ниҳоятда муҳимдир.

Комплекс механизациялашган бригада ва звеноларни малакали механизатор кадрлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари билан мустаҳкамлаш, уларга зарур миқдордаги тракторларни, пахта териш машиналарини, меҳнат қуролларини доимий бириктириб қўйиш зарур. Ҳар бир хўжалик ўз ишлаб чиқариш имкониятлари ва кадрларини ҳисобга олган бундай бригада ва звеноларни туза оладилар. Комплекс механизациялашган бригада ва звеноларда етиштирилган маҳсулот эвазига пул билан ҳақ тўлашни жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Бу система меҳнатни тўғри уюштириш, ҳисоб-китоб ишларини ихчамлаштириш ва мўл-кўл, арзон ҳамда юқори сифатли маҳсулот етиштириш, кишиларни моддий рағбатлантириш учун кенг йўл очиб беради. Аммо ўтган йили айрим хўжаликларда, масалан Бухоро, Самарқанд областлари ва Қорақалпоғистон Автоном республикасидаги баъзи колхоз ва совхозларда комплекс механизациялашган бригада ва звеноларни ташкил этишга юзаки қаралди, малакали, ишчан, мутахассис кучлар билан мустаҳкамланмади, меҳнат қуроллари доимий бириктириб қўйилмади, меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги системаси жорий этилмади. Пахтачилигимизнинг ривожланиши учун катта имкониятлар очиб беришга қаратилган янги ташаббусга бундай нотўғри муносабатда бўлиш ҳолларига қатъиян барҳам бериш керак.

Бу йил пахтакорларимиз янги марраларни кўзлаб иш тутмоқдалар, бутун кучларини етти йиллигимизни юксак меҳнат самаралари билан якунлашга сафарбар этмоқдалар. Уларнинг зафарли юришларида янги ташаббуслар, янги починлар вужудга келмоқда. Пахтачиликда кенг илдиз отаётган бу янгиликлар пахтакорларимиз ақл-заковатининг, саховатли муқаддас меҳнатининг армуғонидир. Комплекс механизациялашган бригада ва звенолар ҳам шу меҳнатнинг янги юксак намунасидир. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг омилкор новаторлари — комплекс механизациянинг жиловдорлари — сизларга оқ йўл!

Ишчи ҳиссаси

Заводимиз маъмурияти ва партия ташкилоти ишчилар, инженер-техник ходимларнинг бутун эътиборини минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бирга, хом ашёни тежаш, маҳсулот сифатини кўтариш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштиришга ҳам сафарбар этаётир. Корхонамиз коллективининг ана шу соҳада қилаётган баракали ишлари яхши натижалар бермоқда. Мисол тариқасида шуни айтиш мумкинки, заводимиз маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича 1965 йилга мўлжалланган маррани 1962 йилдаёқ эгаллаган эди. Кейинги олти йил мобайнида планга қўшимча бир неча ўн минг тоннадан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Бу шуни кўрсатиб турибдики, корхонамизнинг иқтисодий кўрсаткичлари йил сайин яхшиланиб бормоқда. Унумсиз техника ўрнига янги такомиллашган машина-ускуналар ўрнатилмоқда. Сермеҳнат иш жараёнлари механизациялаштирилмоқда, автоматлаштирилмоқда. Техникани тараққий эттириш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш натижасида маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқариш тез ўзлаштирилаётир. Аммонийлашган суперфосфат ишлаб чиқаришга кўчилгандан сўнг корхона экономикаси жуда яхшиланиб кетди. Бундай ўғитлар таркибида икки хил фосфор ва азот бор. Улар ўсимликнинг тез ривожланиши учун зарур шароитлар яратиб беради. Кўриниб турибдики, аммонийлашган суперфосфат ишлаб чиқаришнинг ўзлаштирилиши деҳқонлар учун ҳам яхши бўлди. Аммонийлашган суперфосфат ишлаб чиқарилгунга қадар заводимиз ҳар йили деярли 2 миллион сўм зарар келтирар эди. Эндиликда заводимиз рентабель корхонага айланди. Кейинги уч йилнинг ўзидагина 4 миллион сўмдан ортиқроқ фойда кўрилди.

Пахтакорларимиз улкан «оқ олтин» хирмони учун курашни кучайтириб юбордилар. Пахтачиликни ривожлантириш деҳқоннинггина эмас, ишчининг, олимнинг, машинасоз, инженернинг ҳам иши бўлиб қолди. Пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун бошланган курашга бизнинг корхонамиз коллективи ҳам муносиб ҳисса қўшиш учун муҳим тадбирларни амалга оширмоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Химия институти ходимлари билан ҳамкорликда таркибида азот ва фосфор бўлган мураккаб ўғитлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш юзасидан тажриба ишлари бошлаб юборилди.

Қишлоқ хўжалигимиз учун кўп, сифатли ва сертаъсир минерал ўғитлар етказиб беришни Самарқанд суперфосфатчилари ўзлари учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биладилар. Бунинг учун асосий цехларни реконструкциялаш юзасидан кенг кўламдаги ишлар олиб борилмоқда. Бу тадбирнинг амалга оширилиши натижасида сульфат кислотаси ишлаб чиқариш анча кўпайтирилади. Бу эса ўз навбатида минерал ўғит ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайди.

703-қурилиш бошқармаси бинокорлари билан ҳамкорликда сульфат кислотаси ва оддий суперфосфат тайёрлаш бўйича қўшимча қувватлар ишга туширилди. Реконструкциялашдан мақсад цехлар қувватини оширишга, меҳнатни енгиллаштириш, янги техника ва илғор технологияни кенгроқ жорий этиш, асосий ишлаб чиқариш участкаларини автоматлаш ва механизациялаш ишлаб чиқариш маданиятини оширишдир. Реконструкциялаш ишларини жадаллаштириш янги хил маҳсулот ишлаб чиқаришни қисқа муддатларда ўзлаштиришга имкон бераётир. Заводда аккумулятор ва реактив кислоталар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Бундай кислоталар илгари РСФСРдан ва бошқа республикалардан ташиб келтирилар эди. Эндиликда заводимиз республиканинг аккумулятор кислотасига бўлган эҳтиёжини тўла қондирмоқда. Шунингдек, бу маҳсулот чет элга ҳам экспорт қилинмоқда.

Ҳар бир маҳсулотнинг қадр-қиммати сифатига боғлиқ. Шунинг учун минерал ўғитларнинг сифатини оширишга қаратилган янги-янги тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Аммонийлашган суперфосфатнинг физикавий-химиявий камчиликлари ҳам бор. Минерал ўғит қопларга ёпишиб қолмоқда. Корхонамиз мутахассислари минерал ўғитларнинг сочилувчан бўлиши ва машина билан сепишга мослаштирилиши учун ҳаракат қилмоқдалар. Бунинг учун махсус қайта ишлаш бўлими қурилмоқда. Завод марказий лабораторияси ҳамда техника контроли бўлими ходимлари минерал ўғитлар ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор тадбирларни белгиладилар ва амалга оширмоқдалар. Аммонийлаштирилган суперфосфат цехида техника контроли бўлимининг алоҳида пости тузилди. Пост цех ходимлари билан биргаликда маҳсулот сифатини оширишга ёрдам берадиган намунали ишлар қилмоқдалар.

Заводимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ҳақида тасаввурга эга бўлмоқ учун лоақал мана бу фактларга эътиборни жалб қилиш мумкин. Аммонийлашган суперфосфат солинган далаларда пахта ҳосилдорлиги 2-3 центнер юқори бўлмоқда. Ҳар бир тонна шундай ўғит қишлоқ хўжалигимизга 125 сўм фойда келтираётир.

Химик инженер Тўхтамурод Назаров раҳбарлик қилаётган цех коллективи социалистик мусобақада пешқадамликни қўлдан бермаяпти. Ўтган йили планга қўшимча бир неча ўн минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқарган бу коллектив аъзолари ўзларининг техникавий билимларини тинмай оширмоқдалар. Ўз участкаларида иш берадиган қўшимча касбларни эгаллаб олиш ҳаракатини бошлаб бердилар. Аппаратчи Мардон Остонов, Евдокия Гаврилова, ишчилардан Р. Хисомиддинова, Ф. Саниева, А. Раҳимова, З. Мансурова ўртоқлар ҳар сменада планга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш ва ижодий меҳнат қилиш натижасида обрў-эътиборга сазовор бўлаётирлар.

Технология жараёнларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаш учун кураш ҳар қачонгидан ҳам кучайтириб юборилди. Рационализатор ва ихтирочилар бу курашнинг олдинги сафларида бормоқдалар. Олти йил ичида қарийб бир миллион сўм иқтисодий фойда келтирадиган таклифлар жорий этилди. Ўтган йилнинг ўзидагина йилига 191 минг сўм иқтисодий фойда берадиган таклифлар жорий этилди.

Етти йилликнинг якунловчи йилида олинган мажбуриятларни шараф билан бажариш учун цехлар, участкалар, сменаларда социалистик мусобақа кучайиб кетди. Яқинда маҳсулот ишлаб чиқаришни яна ҳам кўпайтиришга имкон берадиган печь бўлимининг биринчи ва иккинчи блоклари фойдаланишга топширилди. Шунингдек, янги қудратли контакт аппарат ҳам ишга туширилди. Бу ердаги ҳамма жараёнлар автоматлаштирилган ва механизациялаштирилган.

Самарқанд химиклари етти йилликнинг охирги йили учун олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарадилар.

Қ. КАМОЛОВ,
Самарқанд суперфосфат заводининг директори.

ГЎШТ, СУТ, ЁҒ МЎЛ БЎЛСИН

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ

ТОШКЕНТ. Область колхоз ва совхозларнинг чорвадорлари квартал плани ҳисобига сўнгги бир неча юз тонна сутни топширмоқдалар. Юқори Чирчиқ районидаги хўжаликлар давлатга 1260 тонна сут сотиб, топшириқни муваффақиятли бажардилар. Район чорвадорлари 1 апрелгача пландан ташқари 400 тонна сут беришга қарор қилдилар. Оржоникидзе районидаги сутчилик фермаларининг ходимлари ҳам уч ойлик план муддатидан илгари бажарилганлиги тўғрисида рапорт бердилар.

Оққўрғон, Бўка, Ўрта Чирчиқ районларнинг чорвадорлари давлатга сут сотиш квартал планини бажарай деб қолди.

(ЎзТАГ).

• • •

Қўрғонтепаликларнинг ташаббуси Калинин райони чорвадорларини ҳам етти йилликнинг якунловчи йилида янги зафарларга эришиш учун курашга отлантирди. Район хўжаликларида ўтган йилнинг охири ва шу йилнинг бошида юзларча бош қорамол ва чўчқа бўрдоқига боқиш учун қўйилган эди. Улар интенсив равишда боқиб семиртирилди. Районда гўшт сотиш биринчи квартал плачи муддатидан илгари анча ошириб бажарилди. Давлатга 378,4 тонна семиз гўшт топширилди. Бу, биринчи квартал планидагига нисбатан 235 тоннадан зиёд кўпдир.

«Партия XIX съезди», Генерал Собир Раҳимов номли, «Ленинизм», Навоий номли, Фрунзе номли, Свердлов номли, Ленин номли, «Москва», «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозлари квартал планини анча ошириб адо этдилар. «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги», Навоий номли, Ленин номли, Свердлов номли ва «Коммунизм» колхозлари эса сут тайёрлаш биринчи квартал планини ҳам бажардилар.

Райондаги мавжуд 4 совхознинг ҳаммаси, шунингдек Сабзавот, полиз экинлари ва картошка илмий-текшириш институти давлатга гўшт ва сут сотиш биринчи квартал планларини анча ошириб бажардилар.

Т. ЗОКИРОВ.

ИККИНЧИ КВАРТАЛ ҲИСОБИГА

САМАРҚАНД. Ғаллаорол районидаги «Бахмал» совхозининг чорвадорлари гўштга топшириш учун 600 бошдан ортиқ қорамолни бўрдоқига боқа бошлаган эдилар. Улар январь ойидаёқ давлатга 780 центнер семиз гўшт топшириб, биринчи квартал планини ошириб адо этдилар. Ҳозир совхоз чорвадорлари иккинчи квартал ҳисобига гўшт топширяптилар.

А. БОТИРОВ.

СУТ БУЛОҒИ

АНДИЖОН. Етти йилликнинг якунловчи йилида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтирамиз, деб ваъда берган қўрғонтепаликлар областда биринчи бўлиб давлатга сут сотиш биринчи квартал планини муддатидан илгари адо этдилар. Қабул пунктларига 1295 тоннадан зиёд серқаймоқ сут етказиб берилди. Бу, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 200 тонна кўпдир.

Район чорвадорларининг муваффақиятига «Коммунизм» колхозининг аъзолари катта ҳисса қўшдилар. Улар давлатга 560 центнер сут топшириб, ҳозирнинг ўзидаёқ сут харид қилиш ярим йиллик планини бажариб қўйдилар. «Победа» колхозининг чорвадорлари эса 1000 центнердан ортиқ сут тайёрлаб, беш ойлик топшириқни адо этдилар. Ленин номли, Энгельс номли, Карл Маркс номли, «Комсомол» колхозлари ва Фрунзе номли совхоз апрель ойининг иккинчи ярми ҳисобига сут топширмоқдалар.

Р. СОБИРОВ.

ЧОРВАДОРЛАР ЮТУҒИ

КАТТАҚЎРҒОН (**«Совет Ўзбекистони» мухбири**). Райондаги «Қорадарё» ва «Каттақўрғон» совхозларининг чорвадорлари чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун курашиб, катта ютуқларни қўлга киритдилар. «Қорадарё» совхози сутчилик фермасининг ходимлари 1965 йилнинг биринчи квартали давлатга 1100 центнер ўрнига 1242 центнер сут сотдилар. «Каттақўрғон» совхозининг чорвадорлари сут тайёрлаш биринчи квартал планини 110,7 процент адо этдилар.



ТОШКЕНТ ГРЭСи монтажчилари ва қурувчилари 3-энергоблокни муддатидан бир ой илгари фойдаланишга топшириш мажбуриятини олдилар. Ҳозир қурилиш суръати кундан-кунга ошиб бормоқда. Сиз суратда очиқ электроподстанция қурилиши участкаларидан бирини кўриб турибсиз.

В. Кожевников фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

СЎЗ — МАШЪАЛЛАРГА

МЕҲНАТ САМАРАСИ

Аҳмад МАҲМАДЎСТОВ,
Чироқчи районидаги Охунбобоев номли совхоз директори

◆ ◆

Коммунистик партия аҳолининг қишлоқ хўжалик ва чорва маҳсулотларига, енгил саноатнинг хом ашёга бўлган ва кун сайин ўсиб бораётган талабларини тўла қондириш вазифасини қўйди. Ихтисослаштирилган хўжаликларнинг ташкил этилиши бу вазифани муваффақиятли бажаришда катта роль ўйнайди.

Совхозимиз ғаллачилик ва чорвачилик бўйича ихтисослаштирилган. Ўтган йили 23 минг тонна дон тайёрланиб, шундан 16,5 минг тоннаси давлатга сотилди. Бу, хўжаликни ихтисослаштириш йўли билан тараққий эттиришнинг дастлабки самарасидир. Бошқа соҳаларда эришилган муваффақиятлар ҳам қувончли бўлди. Жумладан гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш планлари анча ошириб бажарилди.

Биз ихтисослаштириш йўлидан бориб нималарни ютдик? Ишчилардан тортиб раҳбарларгача — ҳамманинг диққат-эътибори икки соҳа — ғаллачилик ва чорвачиликни тараққий эттиришга, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга қаратилди. Шу асосда ташаббускорлик, ҳамкорлик, социалистик мусобақа вужудга келди. Одамлар янгилик яратиш, резервларни ҳаракатга келтириш учун астойдил кураш бошлади. Янги ер ўзлаштириш ҳисобига экин майдони қарийб ўн минг гектар кенгайтирилди ва 22 минг гектарга етказилди. Ҳосилдорлик кескин ошди. Лалмикор ерларда ҳосилдорликни гектар бошига 5-6 центнердан ошириш мумкин эмас, деган нотўғри ва қолоқ фикрга зарба берилди.

Ғаллакорларимиз фан ютуқлари, илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга дадил жорий этдилар. Химия мўъжизаларидан ишнинг кўзини билиб фойдаландилар. Деҳқончилик тажрибасига анча ўзгариш киритилди. Илгари ғалла асосан баҳорда экилган бўлса, сўнгги йилларда кузда экила бошлади. Экин майдонларининг катта қисми минерал ва маҳаллий ўғит қоришмаси билан ўғитланмоқда. Натижада лалмикор ерларнинг ҳар гектаридан 9-10 центнердан буғдой олинмоқда.

Хўжаликни ихтисослаштириш дала ишларини, чорвачилик фермаларида оғир меҳнат талаб қиладиган ишларни комплекс механизациялаш имкониятини берди. Юқорида айтилган 22 минг гектар ерга дон экишдан тортиб, ҳосилни саранжомлаб олишгача бўлган ҳамма ишларни машиналар бажаряпти. Т. Жабиев, М. Ҳабиев, З. Қулбулов, Э. Шоймонов сингари механизаторларимиз меҳнатда жасорат кўрсатмоқдалар. Уларнинг ҳар бири мавсумда 600-700 гектар ерга дон экади, шунча майдондаги ҳосилни ўриб-янчиб беради.

Хўжалик ихтисослаштирилиши туфайли кадрларга бўлган талабчанлик кучайтирилди. Шу муносабат билан мутахассислар омилкор деҳқонлар, механизаторлар билим-тажрибаси, ташкилотчилигига қараб ишлаб чиқаришнинг муҳим участкаларига тўғри жойлаштирилган. Коммунистлар, комсомоллар қийин участкаларда туриб оммани меҳнатда янги ғалабаларга чорлади. Ҳосилдорликни ошириш, ялпи дон миқдорини кўпайтиришга қаратилган резервларни ишга солишда бош-қош бўлди. Бу яхши самара берди. Р. Қораев, С. Йўлдошев ўртоқлар бошлиқ бўлимлар, Т. Аҳмедов, Н. Азимов, Б. Бўронов раҳбарлик қилаётган бригадаларда ҳосилдорлик 11-12 центнерга етди.

Ихтисослаштиришнинг афзалликлари ҳақида гап борганда қуйидаги рақамларни тилга олиш ўринлидир. 1962 йилда совхоз бўйича барча тармоқлардан 158 минг сўм зарар кўрилган эди. 1964 йилга келиб, хўжалик ихтисослаштирилиши туфайли давлатга 460 минг сўм соф фойда берилди. Экономика мустаҳкамланди, ишчиларнинг моддий-маданий фаровонлиги яхшиланди.

1965 йилда коллективимиз олдида улкан ва шарафли вазифалар турибди. Ғалла майдони партов ер очиш ҳисобига 42 минг гектарга етказилди. Ҳосилдорликни ўтган йилдагидан камайтирмаслигимиз, ҳар центнер доннинг таннархини 2 сўмга туширишимиз керак. Давлатга дон сотиш кўпайса кўпаядики, камаймайди. Аъло нав уруғлик фонди, ҳар эҳтимолга қарши эҳтиёт фонди ажратиб қўйиш, чорва моллар учун етарли миқдорда концентратли озуқа жамғариш муҳим бурчимиздир.

Бу йил ҳам ғалла йили бўлади. Ҳозир экин майсалаб, ер бетини қоплаб қолди. Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши профилактик чоралар ўтказилди.

Совхозда чорвачилик ҳам тез ривожлантириляпти, маҳсулдорлиги ошириляпти. 500 бош сигирга эгамиз. Давлатга 400 тонна сут сотишимиз керак. Бунинг учун ҳар бош сигирдан камида 1200 литрдан сут соғиб олишимиз зарур. Отарларда 43 минг бош қўй бор. Давлатга 15 минг дона қоракўл тери сотамиз.

Бунинг учун кўплаб эгиз қўзи олишимиз ва уларни нобуд қилмай сақлаб қолишимиз зарур. Бош чўпон, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жавли Рўзиев отарида ҳар юз бош совлиқдан 180 тадан қўзи олинади. Машҳур чўпон қоракўл терининг ҳаммасини биринчи сортга топшириш, қўзиларни тўла сақлаб қолиш ташаббусини бошлади. Азим Каримов, Қилич Бекмуродов каби чўпонлар ҳам ҳар юз бош совлиқдан 140-150 тадан қўзи олиш учун курашмоқдалар. Совхозимиз бу йил давлатга 830 тонна гўшт сотади. 130 тонна юқори сифатли жун етказиб беради.

Етти йилликнинг сўнгги босқичини меҳнатда муносиб туҳфалар билан якунлаш коллективимизнинг муқаддас бурчига айланди. Ҳар бир чорвадор ўз постида фидокорона меҳнат қиляпти. Рўй бераётган қийинчиликларни мардонавор енгиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўллигини бунёдга келтириш учун курашаверамиз.

ЎЗБЕК МУЗИКАСИ КЎРИГИ

Ўзбекистон композиторларининг сўнгги йилларда яратган музика асарларининг катта кўриги тамом бўлди. Кўрик республика композиторларининг съезди кунларида бўлиб ўтди. Театрларда, концерт залларида, маданият саройларида таниқли композиторлар ҳамда ижодий ёшлар яратган қўшиқлар, опералар, ораториялар бир ҳафта давомида янграб турди, балетлар кўрсатилди.

Кўрикда намойиш қилинган асарларнинг энг яхшилари Октябрнинг 50 йиллиги ҳамда В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига Ўзбекистон композиторлари яратаётган улуғвор симфониянинг илк садолари бўлиб янгради.

Съезд қатнашчилари Композиторлар союзи правлениесини сайладилар. Правление раиси қилиб, Аҳмад Жабборов сайланди.

(ЎзТАГ).

ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ ПРОБЛЕМАЛАРИ

Бинолар қад кўтараверсин

Қишлоқларимиз жамоли айниқса баҳорда очилиб кетади. У гул-лолаларга кўмилади. Ўрик шохлари бўртиб, анор доначаларидай қипқизил маржон тақади. Гул ёзади. Баҳор одамнинг баҳри-дилини очадиган сепларини ёза бошлайди. Лекин меъмор-баҳорнинг жилолари йил бўйи қола олмайди. Қишлоқ меъморлари эса йиллар бўйи бирдай кўзни қувнатадиган гўзаллик яратишмоқда. Қишлоқлар кўркига кўрк қўшишмоқда. Кўриниши — архитектураси табиат билан уйғунлашиб кетадиган, янги типдаги, яшаш учун ҳамма кулайликлари бўлган уйлар қуришмоқда. Янгича, шаҳардагидан камлик жойи бўлмаган, ҳар бирида кинотеатр, ҳаммом, магазинлар, маиший хизмат комбинатлари бўлган посёлкалар барпо этишмоқда.

Ўтган йили Андижон, Самарқанд, Сурхондарё области қишлоқ қурувчилари ажойиб натижаларни қўлга киритишди. Қишлоқлар жамолини яна ҳам очиб юборишди. Ўттиз битта колхозлараро қурилиш ташкилоти йиллик топшириқни муддатидан илгари адо этиб, қўшимча ўнлаб биноларни қишлоқ аҳлига фойдаланишга берди. Чуст, Ўрта Чирчиқ, Ғиждувон колхозлараро қурилиш ташкилотлари уйларни ҳартомонлама яхши ва тез қурмоқда. Улар қишлоқ поселкалари барпо этишда, колхозларга шийпонлар, мактаблар, касалхоналар, чорвачилик учун бинолар қуриб беришда кўпгина тажриба тўпладилар. Бошқа областлардаги қишлоқ қурувчилари улардан намуна олишса арзийди.

Лекин қишлоқ меъморлари ҳамма жойда ҳам қишлоқлар жамолини очишга, кўплаб кўркам уйлар қуришга муваффақ бўла олишмаётир. Поселкалар жуда секинлик билан юз очмоқда. Объектларда қурилиш суръати паст. Ўтган йили «Узглавколхозстрой» ва унинг область трестлари тузилиши билан колхозларда қурилиш ишлари бирмунча юришиб кетди. Моддий-техника таъминоти, планлаштириш, машина-механизмлардан фойдаланиш яхшиланди. Шунга қарамай 7 та область трестлари, 40 та колхозлараро қурилиш ташкилоти пландагича ҳажмда қурилиш ишларини бажармади. Мўлжалланганича миқдордаги объектларни фойдаланишга топширмади.

Кўпгина колхозлараро қурилиш ташкилотларининг хўжалик юритиш усулини тубдан яхшилашларига, мавжуд ресурсларни тўла ишга солишларига ҳалигача етарлича ёрдам бера олмаётирмиз. Масалан, колхозлараро қурилиш ташкилотлари ер қазиш машиналари билан атиги 25 процент таъминланган. Бетон қориш установкалари етишмайди. Автомашиналарнинг анчаси запас қисмлар етишмаслиги туфайли бекор ётибди. Кўтариш машина-механизмларининг камлиги натижасида темир-бетон конструкцияларнинг анчагина қисми монтаж қилинмай турибди.

Бир қанча колхозлараро қурилиш ташкилотларида моддий-техника таъминоти ёмон аҳволда. Пардозлаш ва электротехника материалларининг учдан тўрт қисмини тўртинчи кварталда етказиб бериш планлаштирилгани ҳам ишнинг белига тепди. Деярли тайёр объектлар фойдаланишга топширилмай қолди.

Колхозлараро қурилиш ташкилотлари ихтиёрдаги маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари ҳам ёмон ишламоқда. «Узглавколхозстрой»нинг йилига 170 миллион дона ғишт ишлаб чиқара оладиган 56 заводи атиги 83 миллион дона ғишт етказиб берди. Ёғочни қайта ишлаш корхоналари қарийб 30 минг кубметр кам ёғоч-тахта ишлаб чиқарди. Темир-бетон конструкциялари полигонларининг йиллик умумий қуввати 25 минг кубметрга тенг. Аслида эса улар ўтган йилда атиги 9,5 минг кубметр миқдорда темир-бетон конструкциялари тайёрлади.

«Узглавколхозстрой» коллективи ана шу камчиликлардан қутилишни назарда тутиб, бир қатор тадбирлар белгилади. Бу йил ғишт заводларини реконструкциялаш ва тиклаш билан 140 миллион дона ғишт ишлаб чиқарилади. Келгуси йилда эса уларнинг лойиҳадаги қувват билан ишлашига эришилади. Полигонларда йиғма темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқаришни икки баравар ошириш мўлжалланмоқда. Ёғочни қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш натижасида бу йил 200 минг кубметр ёғоч-тахта ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. Айниқса, колхозлараро қурилиш ташкилотларининг моддий-техника таъминоти яхшиланади. Уларга кўплаб қурилиш машина-механизмлари етказиб берилади. Шу йилнинг ўзида 10 та ремонт-механика устахоналари қурилади. Ана шу устахоналар учун Халқ хўжалиги кенгаши ва «Узсельхозтехника» етарлича ускуналар ажратиб бериши лозим.

Колхоз қишлоқлари қурилиши бўйича республикада ягона заказчи ташкилотнинг йўқлиги ҳам ишимизга озми-кўпми салбий таъсир этмоқда. Ўтган йили қурувчиларимиз лойиҳа ҳужжатларнинг кўп қисмини кечикиб олди. «Узгипросельстрой» бу йилги лойиҳа ҳужжатларни 1964 йилнинг сентябрида тайёрлаб бериш ўрнига ҳамон уни тугаллай келмоқда. Агар республикада колхоз қишлоқлари қурилиши бўйича бир заказчи ташкилот бўлганда, у лойиҳа ҳужжатлар билан таъминлашнинг бунчалик орқага сурилишига йўл қўймасди.

Ҳозир республикада 71 колхозлараро қурилиш ташкилоти бўлиб, уларда йиллик иш ҳажми 1 миллион сўмликдан сал ошади. Бизнингча, бу қурилиш ташкилотларини йириклаштириш лозим. Бу фойдадан холи эмас. Колхозлараро қурилиш ташкилотлари ишидаги камчиликларни тугатиш, ишни яхшилашга қаратилган бу йилги тадбирларни амалга ошириш қишлоқларимиз жамолини янада очиб юборади.

С. ОМЕРОВ,
«Узглавколхозстрой» бошлиғи.

Муаззам — жамоатчи ишчилардан. У смена топшириқларини доимо ортиғи билан бажариб, маҳсулотларни нуқул юқори сифатли қилиб тайёрлашга муваффақ бўлаётир. Самарқанд трикотаж фабрикасининг серғайрат тикувчиси Муаззам Турсуновага юксак ишонч билдириб, шаҳар аҳолиси уни кечагина область Совети депутатлигига сайлади. Суратда: Муаззам Турсунова.

А. Кузьменко фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ТАСС АХБОРОТИ

1965 йил 15 мартда Совет Иттифоқида Ернинг сунъий йўлдошлари «Космос-61», «Космос-62» ва «Космос-63» учирилди. Уч йўлдошнинг ҳаммаси битта учирувчи ракета билан орбитага чиқарилди.

Йўлдошлар ичига ТАСС 1962 йил 16 мартда эълон қилган программага мувофиқ, космик фазони тадқиқ қилишни давом эттиришга мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Йўлдошларга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқда.

ФАН ОЛАМИДА

ТАРАН ВОДИЙГА ТУШДИ

Фарғона водийсида Таранбозор қишлоғи бор. Тянь-Шань тоғ тизмалари этагида жойлашган бу қишлоқ ўз тарихига эга.

Маълумки Ўрта Осиёда 250 га яқин илдиз ўсимликлари мавжуд. Уларнинг илдизидан тери ошлашда қўлланиладиган моддалар олинади. Ўтмишда кишилар бу томирларни қидириб, денгиз сатҳидан бир ярим-икки минг метр баландликдаги тоғларда юрганлар. Ҳар бири 15-20 килограмм келадиган томирларни эшакка ортиб, Таран-бозорга келтириб сотганлар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг биология фанлари кандидати Софокл Чевриниди бошлиқ бир группа олимлари таран ўсадиган шароитни ўргандилар. Ўзбек олимлари бир неча йиллик тажрибалардан сўнг бу ўсимлик фақат тоғда эмас, водийда ҳам ўсиши мумкинлигини исботладилар. Андижон областидаги Хонобод экстракт заводи ёнида биринчи марта суғориладиган ерларга таран уруғи экилди. Бу ерда таран ўсимлигини ўстириш, илдизини йиғиб олиш ва қайта ишлаш билан шуғулланилади. Тажрибалар шуни кўрсатдики, водийда ўстирилаётган таран илдизидан олинган экстракт тоғ таранининг илдизидан олинган экстрактдан қолишмайди.

БУЛУТЛАР УСТИДА БОҒ

Жанубий Тожикистон тоғларида қор эрий бошлади. Тупроқдаги нам йўқолмасдан туриб писта экиб қолиш зарур. Қўрғонтепа, Даган-кийик, Шўртуз ва Панж ўрмон хўжаликларининг коллективлари Бобо-тоғ, Тобоқчи, Қоратоғ, Терекли тоғ этакларидаги майдонларга писта эка бошладилар.

Писта — тоғ ўсимлигидир. У денгиз сатҳидан 2 минг метр баландликда ҳам ўсиб, мўл ҳосил беравериди. Пистада ёғ жуда кўп. Унинг ёғидан озиқ-овқат тайёрлашда, фармацевтикада ва саноатда фойдаланилади. Писта дарахти ёғочидан эса чолғу асбоблари тайёрланади. Баргидан бўёқ моддалари олинади. Ҳозир Тожикистон тоғларида қарийб 140 минг гектар пистазорлар бор. Водийдан қараган кишига тоғлардаги бу пистазорлар булутлар устида турган боққа ўхшаб кўринади.

МАДАНИЙ ТУРМУШ УЧУН

(МУХБИРЛАР ХАТИДАН)

Редакциямизга ҳар куни меҳнаткашлардан кўплаб хатлар келиб туради. Уларда саломатлик посбонлари бўлган шифокорлар, меҳрибон ўқитувчилар, билим чашмасидан баҳраманд бўлаётган студентлар, зиё тарқатувчилар — кутубхоначилар, хушхабар элчилари — почтальонлар ҳақида самимий гаплар айтилган.

— Яқинда Қўқон шаҳридаги Муқимий номли педагогика институтида «Севги ва рашк» деган темада кеча ўтказилди, — деб ёзади М. Султонов. — Кечани институтда ташкил этилган Қизлар клуби ўтказди. Кеча охирида бадиий ҳаваскорлар ижросида концерт берилди.

Меҳнаткашлар ўртасида китоб пропагандасини кучайтириш, уларни илм-маърифатдан баҳраманд қилишда кутубхона ва кутубхоначиларнинг роли каттадир. Ўз зиммасидаги вазифасини шараф билан адо этаётган китоб ишқибозларининг ҳурматини қозонаётган кутубхона коллективлари республикамизда анчагина бор. Масалан, Андижон область, Хўжаобод район «Ленинград» колхозидаги кутубхонани олайлик.

Газетхон А. Бобоқуловнинг ёзишича, бу кутубхона район комсомол комитети ва маданият бўлими томонидан яқиндагина ишга туширилган бўлишига қарамасдан мухлисларини жуда қувонтиряпти. Кутубхонада район ёшларининг дўстлик кечаси ўтказилди. Йиғилганлар дилрабо қўшиқ, шўх, қувноқ рақсларини томошо қилиб, ғоят хурсанд бўлиб қайтишди.

Фарғоналик С. Холматов, андижонлик А. Зоиров, бухоролик А. Ҳожиев ўртоқларнинг хатларида ҳам маданий ҳаётимиздаги янгиликлар ҳикоя қилинади

«Узбекхлопкомаш» заводининг ишчиси А. Зокировнинг редакцияга йўллаган хати диққатга сазовордир:

— Заводимиз ётоқхонасида юзга яқин ишчи истиқомат қилади, — деб ёзади у, — лекин бу ерда тартибсизлик жуда авж олган. Вахтёрнинг ётоқхонага кириб-чиқувчилар билан иши йўқ. Натижада айрим кишилар кириб тўполон қилишади, кўнгилли дам олишга ҳалақит беришади. Заводимиз раҳбарлари бизнинг қандай яшаётганимиз билан қизиқишмайди шекилли, хабар олишмайди. Андижон область, Избоскан районидаги Лермонтов номли мактаб ўқитувчиси Х. Тўрабоев ўз хатида «Шарқ юлдузи» колхозидаги шифохона коллективига миннатдорчилик билдирган. Самарқандлик Р. Раҳмонов, Ш. Исломов, М. Омонов, сирдарёлик М. Тўраев, қўқонлик Н. Мирзаев, фарғоналик А. Ҳамидов, А. Ҳасанов, тошкентлик М. Сатторов, Е. Тортаев, М. Аҳмедов, М. Киселева, П. Холбоев ўртоқларнинг хатларида ободончилик ишлари, саломатлик посбонларининг эл-юрт соғлиғини сақлашдаги хизматлари, ўқитувчилик касбининг шарафлилиги, мактаб ўқувчилар бригадасида шу кеча-кундузда қилинаётган ишлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Кун бўйи қилинган унумли меҳнатдан сўнг радио тинглагинг, газета-журналларнинг янги сонларини ўқигинг, клубларда маданий ҳордиқ чиқаргинг келади. Афсуски баъзи жойларда меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш кўнгилдагидек уюштирилмаган. Уларнинг бу ҳақдаги талаб ва эҳтиёжлари яхши қондирилмаётир.

— Колхозимизда клуб қурилганда беҳад севинган эдик, — деб ёзади Хоразм область, Шовот районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси И. Исмоилов, — аммо қувончимиз кўпга чўзилмади. Чунки қачон қараманг данғиллама клубимиз доимо қулф туради. Клуб ёнидаги кутубхона ҳам номига савлат тўкиб турибди.

Газетхонлардан С. Қўчқоров (Амударё), М. Қурбонов (Қарши), Каримов (Қўқон), О. Эргашев (Когон), Т. Аҳроров (Термиз) ўртоқлар айрим колхоз ва совхозларда маданий-оммавий ишлар кўнгилдагидек ўтказилмаётгани, район маданият бўлими раҳбарларининг бепарволиги оқибатида аҳолига кино кўрсатиш иши ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, медицина хизмати яхши йўлга қўйилмаганлигини маълум қиладилар.

Ҳ. Содиқов (Сурхондарё), А. Турсунов (Самарқанд), М. Болтабоев, Р. Акромов, А. Ҳусанов, Т. Аҳмадалиев, (Андижон), Қ. Азимов, С. Холматов (Фарғона), И. Маъмуров, Р. Раҳимова, А. Ҳожиев (Бухоро), И. Қаландаров (Наманган), Г. Н. Остапчук, Т. Рустамов, К. Аметов, Д. Қодирова (Тошкент), солдат Н. Бурхонов ўртоқларнинг хатларида ҳам маданий ҳаётимиздаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида ҳикоя қилинади.

ҒАМХЎРЛИК

Касаба союз ҳаёти

Автобус лиқ тўла йўловчи. Дам олиш куни эмасми, шаҳарга бир тушиб, дўконларни, кино театрларни, стадионни кўрай деганлар озми!

— Ўғлимга пальто тиктирмасам бўлмайди. Шаҳарчамизда тикувчилик устахонаси йўқ. Энг яқини «Победа» паркига яқин жойда, холос.

— Мен дори олай деб аптекага кетяпман.

— Йўлимиз бир томонда экан, — деди иккинчи аёл, — аптека ўша паркнинг ёнгинасида.

Анатолий Фирсович автобусда кетаркан бу гапларни эшитди-ю, ўйланиб қолди. «Касаба союз йиғилишида бу ҳақда гапиришганига анча бўлиб қолди. Ундан илгарроқ ҳам шу ҳақда таъна эшитгандек... Наҳотки ҳалигача шу масалани ҳал қила олмасак. Завод шаҳарчаси тобора кенгаймоқда. Ўзимизнинг устахонамиз ҳам, аптекамиз ҳам аллақачон бўлиши керак эди. Ҳа, аллақачон...»

Эртасига эрталаб Бойков касаба союз комитети аъзоларининг ҳаммасини чақирди.

— Сизлар билан бир маслаҳатлашиб олмоқчиман, ўртоқлар, — деди раис. — Кеча автобусда ғалати бир воқеанинг шоҳиди бўлдим... Уялиб кетдим, ўртоқлар. Гапнинг қисқаси шуки, қарорларимизнинг ижроси учун астойдил курашмасак бўлмайди.

Уй-жой ва маиший хизмат кўрсатиш комиссиясининг раиси коммунист Фетислом Эмираметов, завод комитетининг аъзоси Кемал Мамутов ўртоқларга аниқ топшириқ берилди. Касаба союз активлари комбинат директори билан маслаҳатлашиб кўришди. Турғун Эргашевич Эргашев ишчилар шаҳарчасида маиший шароитни яхшилашда фаолият кўрсатди.

Тўғри, шаҳарчада аптеканинг филиали ва тикувчилик устахонаси ўзидан ўзи дарҳол очилгани йўқ. Бунинг учун шаҳар ижроия комитетига қатнашга, улардан бевосита ижрочи ташкилотларга таъсир ўтказишларини сўраб илтимос қилишга, кишилар билан баҳслашишга тўғри келди. Шундан кейингина иш юришиб кетди. Эндиликда бўлса яхши кийим-кечакни шаҳарчанинг ўзида тиктириш мумкин, дори керак бўлса узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Касаба союз активларининг бундай ғайратини кўрган ишчилар уларга раҳмат дейишяпти.

— Энди газета сотадиган кичкина дўкон очиб олсак ёмон бўлмасди. Почтамиз бор, газета-журнал сотиб оладиган жой йўқ, холос, — деди ёш коммунист Аҳад Гайфулин завком раиси билан бўлган суҳбатда.

— Жуда тўғри гап, — деди ўртоқ Бойков. Гарчанд унинг иши бошидан ошиб-тошиб ётган бўлса ҳам Анатолий Фирсович одамлар касаба союзга ишониб, ихлос қўйиб, ёрдам сўраётгандан, кўнглида бор гапни очиқ айтаётгандан хурсанд бўлди.

Анатолий Фирсович Бойков эритувчиларнинг, сараловчиларнинг ҳам, қолипчилар, тобловчиларнинг ҳам меҳнати енгил эмаслигини билади. Ўзи узоқ вақт бевосита ишлаб чиқаришда меҳнат қилган. Эндиликда у Тошкент абразив буюмлар комбинати касаба союзи завод комитети раиси постига кўтарилгач, ҳамкасабаларнинг ишини ҳар тарафлама енгиллаштириш учун интилиб, завод комитети аъзоларининг ҳаммасини одамларга меҳрибонлик, ғамхўрлик руҳида тарбиялашга ҳаракат қилади.

Кишиларнинг саломатлигига зарар етказадиган участкалардаги меҳнат шароити кўздан кечириб чиқилди. Шундан кейин касаба союзи область комитети олдига ишчиларга ҳар куни белгиланган нормада бепул сут бериш масаласи ўртага қўйилди. Токарлик-термик цехининг маиший хизмат кўрсатадиган биноларида шароит ёмон эди. Бу масала завком мажлисида қараб чиқилгач, таклиф билан директорга мурожаат қилишди. Турғун Эргашевич ишчиларнинг эҳтиёжига эътибор билан қараб, маиший хизмат кўрсатишни яхшилашнинг иложини топди. Цехда кийим ечиш учун алоҳида жой қурилди, душ ишлай бошлади.

— Энди ёрдам кўрсатиш навбати бизга келди, — дейишди қолиплаш цехининг делегатлари коллектив шартнома юзасидан ўтказилган конференцияда. — Реконструкция қилиш керак. Жой тор. Пресслар бирбирига жуда яқин, ақалли қайрилгани жой йўқ.

Завод комитети маъмурият билан бамаслаҳат иш тутди. Технологияни такомиллаштириш, меҳнат шароитларини яхшилаш учун реконструкцияни биринчи навбатда қаердан бошлаш кераклигини аниқлашда дирекцияга ёрдам берди.

— Биз завод комитети билан келишиб туриб иш бошладик,— деди директор. — Дастлаб қолиплаш цехини реконструкция қилишга киришдик. Тез орада бошқа 6 та шахтани қуришга киришамиз.

— Кейинги вақтда шаҳарчада тағин қандай ишлар қилинди?

— Комбинатнинг иккинчи территориясида аҳвол бирмунча дуруст, — дейди Анатолий Фирсович Бойков. — КПСС аъзолигига кандидат Аҳад Гайфулин раҳбарлик қилаётган уй-жой ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш комиссияси ремонт талаб ва кенгайтирилиши зарур бўлган хоналарни текшириб чиқди, рўйхат тузилди. Бир юз эллик ишчига ёғоч, қурилиш материаллари билан ёрдам берилди. Энди биз шаҳарчага тўла газ ўтказиб бўлишни тамомлаймиз деб турибмиз.

Посёлка кўчаларида газ қувурлари монтаж қилиняпти. Хоналарга газ, сувни иситадиган колонкалар ўрнатиляпти.

— Бу қандай фойда келтиришини биласизми, — дейди Анатолий Фирсович қувониб.— бултур газдан фойдаланмаётган ишчи ва хизматчилар 400 тоннадан кўпроқ кўмир ёқишди. Қанчадан-қанча электр қуввати ортиқча сарфланди. Бунинг устига ошхоналарни қурум босганини айтмайсизми? Газ-чи, ҳам арзон, ҳам қулай. Газ ҳар бир оиланинг даромадини оширишга ёрдам беради.

Шаҳарча марказида гулхона қилиш, мевали дарахт кўчатлари ўтқазиш сингари масалалар ҳам завод комитетининг диққат марказида. Касаба союз ходимларининг ташаббуси билан ишчи ва хизматчиларга дарахт кўчатлари сотиб олинди. Яқинда тағин 5000 туп мевали дарахт кўчатлари келтирилди.

Завкомнинг ташаббуси билан шаҳарчадаги мактабда машғулотлар бир сменада ўтказилди. Яқин орада ўқувчилар асбобсозлик заводи ёнидаги тўрт қаватли мактабда ўқийдилар. Шунда мактабнинг эски биносини ётоқхона қилиш ёки поликлиникага айлантириш мумкин. Касаба союз ташкилоти буни корхона маъмурияти билан биргаликда ҳал қилади.

Телефон жиринглаб қолди. Афтидан, завод комитети раисидан маслаҳат сўраб телефон қилишаётганга ўхшайди.

— Тўғри, энди Семенеев, Винникова, Машанов, Мутересмов ўртоқлар дам олишсин, деб тўғри қилгансиз, — дейди Бойков телефонда. Менга қараб деди:

— Ҳозир биринчи квартал, путевкалар кўп. Дам олгани боринг деб одамларга ялинишга тўғри келяпти.

Завод комитети ишчилар, хизматчилар тўғрисида ғамхўрлик қиляпти. Бу одамларнинг кайфиятига таъсир қилмоқда, уларнинг кўнглини кўтариб, завқ билан меҳнат қилишга илҳомлантирмоқда.

Л. ЛЕВИН.

ҲУРМАТСИЗЛИКМИ ЁКИ САВОДСИЗЛИК?

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ОММАВИЙ ИШЛАР ВА ХАТЛАР БЎЛИМИДА

«Совет Ўзбекистони» газета редакцияси ҳар куни республикамиз шаҳар ва қишлоқларидан юзлаб хатлар олаётир. Унинг бир қисми газета саҳифаларида ёритилиб, қолган қисми тегишли ташкилотлар, министрлик ва бошқармаларга текшириб чора кўриш учун юборилмоқда. Шу асосда жавоблар олинмоқда.

Жавобларнинг кўпчилиги қисқа, мазмунли ёзилади. Кўрилган конкрет чоралар ҳақида хабар қилинади. Раҳбар ходимлар қоғозга имзо чекаётганда масъулиятни тўла ҳис этадилар. Расмиятчиликка йўл қўймайдилар.

Бироқ, айрим ташкилотлардан саводсизларча ёзилган жавоб хатлари олинаётир.

«Совет Ўзбекистони» газета редакцияси шаҳрисабзлик бир группа меҳнаткашлардан «Давлат мулкини қачонгача талон-торож қиладилар?» деган сарлавҳа остида хат олди. Хат Шаҳрисабз район партия комитетига юборилиб, унда келтирилган фактларни текшириб кўриш, камчиликларнинг такрорланишига йўл қўймаслик чораларини белгилаш сўралди. Орадан ойлар ўтгач қуйидаги жавоб олинди:

«Давлат мулкини қачонгача талон-тарож қиладилар». Сарлавҳали босилмаган мақолани Шаҳрисабзс районн партия комитети томонидан текширилиб, бу мақолада кўрсатилган фактларнинг бир қисими тўғри эканлиги аниқланди. Текшириш натижалари «Варганза» совхози партия ташкилотининг бюросида муҳокама қилиниб, совхозга етказилган моддий зарар айбдорлардан ундириб олишга қарор қилиниб, ўз вазифасига масулиятсиз қараб келган раҳбарий ходимлар партия ташкилоти томонидан тегишли чора кўрилди.

Шаҳрисабзс район партия комитети секретари: .
(Джалалов)».

Шуниси ачинарлики, кичкинагина бу ёзишмада анчагина имло хатоларга йўл қўйилган. Жумлалар тарқоқ, тўмтоқ, мантиқсиз. Фикр ноаниқ. Бунинг устига совхозга ким қандай моддий зарар етказди, айбдорларга қандай чора кўрилди? — бу ҳақда лом-мим дейилмайди. Ўртоқ Жалолов «Ўзимдан кетгунча, эгасига етгунча» зайлида иш тутиб, редакция ва газетхонларга ҳурматсизлик қилди.

Шундай жавоб хатларидан яна бирини мисолга келтирамиз. Бу хат меҳнаткашлар депутатлари Булунғур район Совети ижроия комитетидан олинди. Уни айнан кўчирамиз.

«...Ҳозирги вақтда йўкорида кўрсатилган кишлоклар учун Самарқанддаги узглавсельстройга 9-декабрь 1964 йилда № 56 ли хоти арколи проект заказ берилган, проект таёр булиши билан кишлаиларга свет утказиш иши амалга оширилади.

Булунғур Район Совети Ижроия Комитети раис уринбосари: (М. Таипова)».

Ўртоқ Таипова ўзи ёздирган жавобнинг маъносига ўзи ҳам тушунмаган ёки имло хатолар кўплигидан уялган бўлса керак, хатни редакцияга имзо қўймай юборавеpган.

Ўзбек ва рус тилларида нашр этилаётган айрим бланкаларни кўздан кечирайлик. Тошкентдаги заводлардан бири **«Ташкентский завод хозяйственных изделий»** деб аталади. Ана шу русча ибора ўзбек тилига **«Тошкент хўжалик бўлимлар заводи»** деб таржима қилинган ва бир неча минг нусха бланка нашр этилган. Наҳотки, завод раҳбарлари буюмлар сўзи билан бўлимлар сўзи ўртасидаги тафовутни билмасалар?

Редакция Янгийўл шаҳридан бир хат олди. Шу хат бланкасидаги ёзувни ҳурматли газетхонлар диққатига ҳавола қиламиз.

«Уз.ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги Тошкент область соғлиқни сақлаш бўлими меҳнаткашлар депутатлари Янгийўл шаҳар ва район ижроия комитети».

Бу жумбоқ жумлалар редакцияни жиддий ўйлантириб қўйди. Кўп уринишлардан сўнг қуйидагилар маълум бўлди. Босмахонада Янгийўл шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими учун бланка тайёрланаётган вақтда «соғлиқни сақлаш бўлими» деган сўзлар тушириб қолдирилган. Бўлим мудири ўртоқ Имомов эса саводсизларча тайёрланган бу бланкага ҳамон имзо чекиб келмоқда.

Бу фақат саводсизликкина эмас, маданиятсизлик, кишиларга, ташкилотларга ҳурматсизликдир.

Жойларга юборилаётган ёзишмаларда ўша ташкилотнинг қиёфаси, раҳбар ходимларнинг малака ва савияси ўз ифодасини топади. Шундай бўлгач, бир ташкилотдан иккинчи ташкилотга юборилаётган хат саводли ёзилиши, қисқа, содда, мазмунли бўлиши, кўзланган мақсад аниқ ифода этилиши лозим.

Ижод уфқлари

Ҳаётимиз кун сайин гўзаллашиб бормоқда. Халқимизнинг коммунистик қурилиш соҳасида амалга ошираётган баҳодирона ишлари туфайли социалистик Ватанимизнинг кўрки жамоли тобора очилиб, совет кишиларининг фаровонлиги тобора яхшиланмоқда. Олим ва мастернинг, инженер ва деҳқоннинг, дурадгор ва чўпоннинг, геолог ва муаллимнинг, ҳамшира ва жангчининг — ҳар бир меҳнаткашнинг ўй ва хаёлида Ватан саодати, юрт ободонлиги, эл фаровонлиги.

Моддий бойликлар яратаётган совет кишиларининг олижаноб меҳнати мароқли ва нашъали. Меҳнаткаш ва хушчақчақ совет кишисининг маънавий дунёси бой, дид ва фаросати юксак. Совет кишиларининг мўъжизакорлиги, бунёдкорлиги бадиий адабиёт, музика, тасвирий санъатда ўз ифодасини тобора ёрқинроқ топмоқда. Янги замон кишиларининг, коммунистик давримиз қаҳрамонларининг бой ички дунёсини, гўзал ва олижаноб фазилатларини акс эттириш, уларнинг илҳомбахш образларини яратиш ҳар бир санъаткор ижодининг бош мавзуи бўлиб қолди.

Кейинги йиллар ичида адабиётда ва музикада замонамиз қаҳрамонларини, янги ҳаёт кишиларини мадҳ этувчи диққатга сазовор кўпгина салмоқли асарлар яратилди. Бу асарларни халқимиз севиб ўқимоқда, мароқ билан тингламоқда. Замон билан ҳамнафас адабий асарларда, зафарли кунларимизни тараннум этувчи музика асарларида совет кишилари ўз шонли ишларининг, бадиий аксини, замондошларимизнинг илҳомбахш образларини кўрмоқдалар.

Газета, журнал, ижодий ва концерт муассасалари каби радио ва телевидение ҳам бадиий ижоднинг энг яхши намуналарини кенг пропаганда қилишга даъват этилган. Бу борада радио ва телевидениенинг ижодий коллективи кўпгина тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Ёзувчи, шоир, драматург ва композиторларнинг замонамизни куйловчи асарлари турли радио ва тележанрларда кенг меҳнаткашлар оммасига пропаганда қилинмоқда. Санъаткорларимизнинг асарлари асосида ташкил этилган радио ва телепостановкалар, адабий-музикали композициялар, театр спектаклларининг радио ва телемонтажлари, инсценировкалар, адабиёт ва санъат университетлари, ўзбек музика маданияти сериясидаги эшиттиришлар, лирика кечалари ва бошқа жанр ҳамда формадаги эшиттиришлар шулар жумласидандир.

Кенг оммани ўзбек музика санъати намуналари билан таништиришда радио ва телевидение шубҳасиз катта роль ўйнайди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитетининг бадиий кенгаши Ўзбекистон Композиторлар союзи билан биргаликда кейинги йиллар ичида жуда кўп турли жанр ва формадаги музика асарларини муҳокама қилди ва уларнинг энг яхшиларини кўп миллионли тингловчилар аудиториясига тақдим этди.

Ўзбекистон композиторларининг IV съездидан кейинги йиллар ичида яратилган катта ва кичик формадаги энг яхши асарларнинг деярли ҳаммаси тингловчиларга ҳавола қилинмоқда.

М. Ашрафийнинг «Дилором», С. Бобоевнинг «Ҳамза» опералари, М. Бурхоновнинг «Ленин партияси мадҳи», С. Юдаковнинг «Ленин хотираси», «Фурқат», В. Мейннинг «Пахта байрами», М. Ашрафийнинг «Темур Малик» Э. Солиҳовнинг «Генерал Раҳимов хотираси» симфоник поэмалари, И. Акбаров, С. Юдаков, В. Мейн, Б. Гиенко, Б. Зейдман, С. Бобоев, Г. Мушель, И. Ҳамроев, Р. Вильданов, М. Бурхонов, Д. Зокиров, Ф. Назаров, Э. Солиҳов, Ю. Николаев, А. Козловский, А. Берлин, Варелас, М. Насимов ва бошқа композиторларнинг кантаталари, симфониялари, сюиталари, рапсодия ва фантазиялари, вокаль-хор асарлари, квартетлари, балет ва кинофильмларга ёзган куй ва рақслари, пьеса ва фортепиано асарлари, болалар учун ёзган асарлари ва бошқа жанрдаги асарлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, Т. Жалилов ва Собитовнинг «Нурхон», Ю. Ражабий ва Г. Мушелнинг «Фарҳод ва Ширин», М. Левиевнинг «Олтинкўл» ва «Тошболта ошиқ», М. Юсуповнинг «Ғазал фожиаси», С. Бобоевнинг «Ватан ишқи», Д. Соатқуловнинг «Зарафшон қизи», К. Жабборов ва С. Ҳайитбоевнинг «Нодира», Т. Жалилов ва Г. Мушелнинг «Муқимий» ва бошқа қатор музикали драмаларнинг монтажлари ва музикали драмалардан айрим парчалар радио ва телевидение орқали кенг тингловчилар ва томошабинларга тақдим этилмоқда.

Халқ талантлари ва ижрочиларнинг, жойлардаги бадиий ҳаваскорлик коллективларининг репертуаридаги энг яхши асарларини кенг тарғиб қилиш, ёш талантли ҳаваскорлар отряди ўсиб етишаётганлигини кўрсатишга ҳам катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон композиторларининг асарлари пропаганда қилиниши билан бир қаторда рус ва Ғарбий Европа классик музикасининг ажойиб дурдоналари, ҳозирги замон рус ва қардош республикалар композиторларининг асарлари, социалистик мамлакатлар халқларининг куй ва қўшиқлари концерт программаларида ва тематик музикали суҳбат-лекциялардан муносиб ўрин олаётир.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитети ҳузуридаги халқ чолғу асбоблари оркестри, хор, мақомчилар ансамбли, квартет композиторларимизнинг янги ёзган асарларини ижро этаётирлар. Бироқ бу бадиий коллективлар учун ёзилаётган оригинал асарлар ҳали талабга жавоб бермайди. Оммабоп қўшиқларга муҳтожлик сезилиб турибди.

Моддий резервлар — коммунизм хизматига

Беда уруғчилиги

Умуман суғориладиган майдонларда, хусусан шўр ерларда пахтанинг ҳосилдорлигини оширишда беда катта роль ўйнайди. Беда тупроқнинг кучини тиклаш ва унинг ҳосилдорлигини оширишнинг қудратли воситаларидан биридир. У тупроқнинг физик хусусиятини яхшилайди, шўрни йўқотади. Айни вақтда беда пахта майдонларида учрайдиган қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликларига қарши курашнинг энг муҳим фактори ҳисобланади.

Шу нарса аниқланганки, уч йиллик бедапоя ҳайдалганда бир гектар ердаги тупроқнинг 20 сантиметр қатламида 2,1 центнер ва 20-40 сантиметр қатламида 9,7 центнер азот моддаси қолади. Бундан ташқари, беда уч йил ўсиши давомида тупроқнинг ҳайдаладиган қатламидаги углероднинг миқдори 29,9 процент ошади. Бу бир гектар ерда 55 центнер углерод ёки 20 центнер органик модда ҳосил бўлади деган гап.

Беданинг аҳамияти фақат шундангина иборат эмас. У чорвачилик учун мустаҳкам озуқа базаси вужудга келтириш имконини берадиган қимматли озуқа экини ҳамдир. Беданинг таркибида минерал тузлар ва витаминлар билан жуда яхши уйғунлашган кўп миқдорда оқсил бор. Бедани моллар яхши ҳазм қилади.

СоюзНИХИнинг Хоразм область қишлоқ хўжалик тажриба станцияси ва илғорлар томонидан шу нарса исботланганки, агар агротехника тадбирлари комплекси қулай муддатларда юқори сифатли ўтказилса, беда пичани ва беда уруғидан мўл ҳосил олиш мумкин. Масалан, Гурлан районидаги «Коммунизм» колхозида гектаридан 160 центнердан беда пичани, тажриба станциясининг даласида эса бир йиллик беданинг гектаридан 60-70 центнердан беда пичани ва 3-4 центнердан беда уруғи, икки ва уч йиллик беданинг гектаридан 110-120 центнердан беда пичани ва 6-7 центнердан беда уруғи олинди.

Бу мисоллар Хоразмда беда ҳосилдорлигини ошириш учун жуда катта имкониятлар борлигидан далолат беради. Бедадан мўл ҳосил олиш учун кўп меҳнат ва маблағ сарфлашни талаб этмайдиган оддий агротехника тадбирларини фақат энг қулай муддатларда юқори сифатли қилиб амалга ошириш зарур, холос.

Хоразм области жаҳонга маълум бўлган Хива бедаси билан шуҳрат қозониб келган. Бу ерда беда қадим замонлардан буён етиштирилади. Хоразмда сув кўплиги, ирригация тармоқлари кенг ривожланганлиги ва қулай иқлим шароити деҳқонларга мўл беда пичани ва уруғи олиш имкониятини беради.

Хоразмда қишда 30 даражагача қуруқ совуқ, ёзда эса 35-40 даража иссиқ бўлади. Бу ҳол фақат Хоразмнинг ўзидагина эмас, балки Волга дарёсининг нариги томони, Сибирь ва Уралда ҳам экиш мумкин бўлган совуққа чидамли уруғ нави яратишга олиб келди.

Хива бедасининг уруғи ниҳоятда сифатли бўлгани учун 1912 йилгача у ҳатто Германия ва Аргентинага ҳам жуда кўп жўнатиб турилган. Масалан, 1907—1909 йилларда чет элга 2608 тоннадан, 1912 йили эса 4800 тонна беда уруғи экспорт қилинган.

Бироқ, кейинги вақтда беда пичани, айниқса беда уруғи етиштиришга эътибор сусайтириб юборилди. Натижада ҳосилдорлик кескин камайиб кетди. Агар 1928—1930 йилларда Хоразмда ҳар гектар ердан 4-5 центнердан беда уруғи олинган бўлса, ҳозирги вақтда ўрта ҳисобда 0,8-1 центнердан ошмаяпти. Бунинг устига бедапоялар майдони ҳам кескин қисқариб кетган. 1953 йили областда 19960 гектар бедапоя бор эди. Беда майдони кейинги йилларда кескин камайиб кетди. Ўтган йили Хоразм хўжаликларида 5648 гектар кўп йиллик ва 2056 гектар бир йиллик бедапоя, 467 гектар уруғлик участка қолган эди, холос.

Бундай ачинарли аҳвол асосан область ва район партия, совет ҳамда қишлоқ хўжалик ташкилотлари, даставвал, колхозларнинг раҳбарлари беданинг аҳамиятига етарли баҳо бермаётганликлари, унга менсимай қараётганликлари сабабли юз берди. Улар шўр тупроқли ерларда беда пахта далаларининг ҳосилдорлигини ошириш, пахта етиштиришни кўпайтиришнинг жуда катта резерви эканини ҳануз яхши тушуниб олганлари йўқ.

Беда уруғчилигини ривожлантириш уруғлик беданинг ҳосилдорлигини ошириш ва уруғнинг физик сифатини яхшилаш йўлидан бориши зарур. Айни вақтда бедазорларда ишлатиладиган техника воситалари сонини кўпайтириш, ҳосилни ўриб-йиғиб олиш, янчиш ва тозалаш ишларини кенг миқёсда механизациялаш лозим.

Ҳозирги вақтда бедачиликда меҳнатни ташкил этиш талабга жавоб бермайди. Беда етиштириш билан боғлиқ бўлган ишлар механизациялаштирилмагани сабабли зарур агротехника тадбирларини белгиланган муддатларда амалга ошириш имконияти бўлмаяпти. Кўп меҳнат талаб қиладиган ишлар қўл кучи билан бажариляпти. Буларнинг ҳаммаси беданинг аҳамияти эътиборга олинмаётганлигининг оқибатидир.

Юқорида қайд қилинган фикрлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, эски бедапояларни қайта тиклаш, беда етиштириладиган майдонни барча чоралар билан кенгайтириш, бедачиликдаги ишларни кенг механизациялаш ва агротехника усуллари комплексини оғишмай амалга ошириш негизида унинг ҳосилдорлигини кескин кўтариш керак. Ҳозир область ташкилотлари, барча хўжаликлар олдида турган асосий вазифа шундан иборат.

Уруғлик беда сийрак экилиши, уни вақтида суғориш ва уруғ пишгач дарҳол ўриб олиш керак. Шуни унутмаслик керакки, агар уруғлик беда қалин бўлса яхши гулламайди ва уруғ боғламайди. Натижада уруғнинг миқдори кам бўлади. Биринчи ва иккинчи репродукцияли уруғ олинадиган участкаларга, шунингдек уруғ етиштирадиган хўжаликларда беда кенг қаторли қилиб экилиши зарур. Бунда уруғ ҳам кам сарфланади. Юқоридаги қоидага амал қилинганда, экилган бедадан биринчи йилда ҳам, шунингдек иккинчи ва учинчи йилларда ҳам мўл ҳосил олинади.

Масалан, беда гектарига 20 килограммдан уруғ сарфлаб қалин қилиб экилганда гектаридан 5,75 центнердан, гектарига 3,3 килограммдан уруғ сарфлаб қатор ораси 60 сантиметр кенгликда экилганда 7,15 центнердан, гектарига 5,7 килограммдан уруғ сарфлаб 60 сантиметр кенгликда икки қатор қилиб экилганда гектаридан 7,92 центнердан уруғ олинган.

Уруғлик беда кенг қаторларга оддий сеялка билан экилади. Экинни ўз вақтида сифатли парвариш қилиш, ўт босишига йўл қўймаслик ва қатор ораларини юмшатиб туриш керак. Шундагина мўл ҳосил олиш мумкин бўлади. Бунинг уддасидан чиқиш мумкин бўлмаган хўжаликларда яхшиси, уруғ сарфлаш нормасини бир оз камайтирган ҳолда оддий усулда экиш, бунда гектарига 8-9 килограмм, агар сеялкага сошник ўрнатилган бўлса 5-7 килограмм уруғ сарфлаш керак. Бошқа озуқа экинларига аралаштириб экилган бедадан ҳам уруғ олиш мумкин.

Агар хўжаликда уруғ олиш учун кенг қаторлаб экилган участка етарли бўлмаса, оддий усулда экилган бедани ҳам уруғлик учун ажратиш мумкин. Лекин уруғлик участкасини кузда ёки баҳорда танлаш ва мўл ҳосил олиш имконини берадиган агротехника тадбирларини мукаммал амалга ошириш керак. Уруғлик учун ажратиладиган участкалардаги беда икки-уч йиллик ва сийраклиги бир хил бўлиши мақсадга мувофиқдир. Уруғлик бедапояларда зарпечак ва айниқса карантин ўтлар бўлмаслиги зарур.

Тупроқда ёзнинг дастлабки даврида нам етарли бўлиши, уни яхши сақлаш уруғлик бедадан мўл ҳосил олишнинг асосий гарови. Агар суғориш қоидаси бузилса ҳосилдорлик кескин камайиб кетиши мумкин. Суғоришни ҳар бир участканинг конкрет шароитига, тупроқнинг хусусияти ва ер ости сувларининг қай хилда жойлашганлигига қараб ўтказиш лозим. Областнинг кўпчилик хўжаликларидаги икки-уч йиллик уруғлик бедани бир йилда уч марта — дастлаб биринчи ўрим пайти келганда ва сўнг икки марта уруғ олиш учун ўриш олдидан суғориш керак. Бунда гектарига 1000-1200 кубометр нормада сув қўйиш лозим.

Хоразм шароитида бедани уруққа биринчи ўримданоқ қолдириш мумкин. Беданинг биринчи ўрими қишдан чидамли бўлиб чиқади ва яхши ўсади. Иккинчи ўрим даври эса куннинг жуда исиган чоғларига тўғри келади. Бу даврда беда алоҳида парвариш қилишни талаб этади. Шу туфайли айрим ҳолларда гул ва бинобарин олинадиган уруғнинг миқдори камроқ бўлиши мумкин.

Бу йил областда бедапоялар майдонини 10964 гектарга етказиш, шу жумладан 6582 гектар эски бедапоялар бўлишини таъминлаш ва 513 гектарини уруғликка ажратиш, уруғлик участкаларнинг гектаридан 16 центнердан ҳосил олиб, етиштириладиган уруғнинг ялпи миқдорини 85 тоннага етказиш планлаштириляпти. Бедапоялар майдонини 10964 гектарга етказиш учун эса баҳорда анча майдонга беда экиш ва бунинг учун зарур бўладиган 80 тоннага яқин уруғни республиканинг бошқа областларидан келтириш керак. Келгусида бедапоялар майдонини янада кенгайтириш учун уруғ етиштиришни кескин кўпайтириш лозим. Бу вазифанинг муваффақиятли ҳал этилиши областдаги элита хўжалигида ва уруғ етиштирувчи колхозларда ишни тўғри йўлга қўйишга боғлиқ.

М. ЭРИМОВ,
Хоразм область қишлоқ хўжалик тажриба станцияси директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари.

Х. БУРНАШЕВ,
станция агротехника бўлимининг мудири.

Юқори Чирчиқ районидаги «Коммуна» колхозининг чорвадорлари қўрғонтепаликларнинг чақириғига жавобан, жамоат чорвачилигини тез суръатлар билан ривожлантириш ва маҳсулдорлигини ошириш учун курашни тобора авж олдиряптилар. Улар бу йил ҳар 100 бош совлиқдан 130 тадан соғлом қўзи ва ҳар бош қўйдан 4,5 килограммдан жун қирқиб олишга ваъда берганлар. Илғор чўпон Сарвар Аҳмедов кўп қўзи олиш ва жун етиштириш учун чорвадорлар ўртасида давом этаётган мусобақада пешқадамлик қиляпти. Суратда: ўртоқ С. Аҳмедов.

М. Нуриддинов фотоси.

КЎРГАЗМА

Пойтахтдаги Наримонов номли район кутубхонасида революция доҳийси, меҳнаткашларнинг улуғ йўлбошчиси В. И. Ленин туғилганига 95 йил тўлиши муносабати билан катта китоб кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмада Владимир Ильичнинг турли тилларга таржима қилинган асарлари, кекса большевикларнинг В. И. Ленин тўғрисидаги эсдаликлари, доҳий ҳақида ёзилган асарлар намойиш қилинмоқда.

Т. ИСМОИЛОВ.

ЯНГИ БОҒЛАР

Калинин районида бу йил кўчат ўтказиш барвақт бошлаб юборилди. Йўл ва ариқларнинг бўйига 530 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказиш назарда тутиляпти. Бундан ташқари, колхоз ва совхозларда 142 гектар ерда янги тутзорлар, 56 гектар ерда боғ ва 32 гектар ерда токзорлар барпо этилади.

Ҳозиргача район территориясида 8325 туп мевали дарахтлар кўчати, 11 минг туп ток қаламчаси ўтказилди. Кўчат ўтказиш ва янги боғ ҳамда токзорлар ташкил этишда Охунбобоев номли, Калинин номли колхозларнинг аъзолари ва «Келес» совхозининг коллективи намуна кўрсатишяпти. Бу хўжаликларда шу кунгача 6500 тупга яқин кўчат ўтказилди. Охунбобоев номли колхозда эса намунали боғ барпо этилди.

Шунингдек, район халқ маорифи, соғлиқни сақлаш бўлимлари ва бошқа айрим ташкилотларнинг коллективлари ҳам 12-15 минг тупдан кўчат ўтказишди.

У. ХОЛДОРБЕКОВ.

Солдат мактублари

ВОЛОДЯНИНГ ХАЛОСКОРИ

Енисей дарёси музлаб ётарди. Биз солдатлар дарё бўйлаб қайтмоқда эдик. Бирдан «Ёрдам беринг!», «Қутқаринг!» деган овоз эшитилди. Олдинги сафда бораётган Бўрибой Эшмуродов муз синган жойга югуриб борди-да ўзини дарҳол сувга ташлади. У сувдан 10 ёшлардаги болани олиб чиқди. Б. Эшмуродовнинг бу жасоратини тақдирлаб, командирлик раҳматнома эълон қилди.

Володя Васильевнинг ота-онаси, ўқитувчилари халоскорга гулдасталар тақдим этдилар.

С. ОРТИҚОВ.

ЁШ БОКСЁР

Гарнизон спорт зали матрослар билан гавжум. Судьялар навбат билан спортсмен — боксёрларни рингга чақирмоқдалар. Навбат ёш боксёр И. Иброҳимовга келди: У эпчиллиги, бокс техникасини яхши эгаллаганлиги туфайли рақиби устидан ғалаба қозониб, гарнизон бўйича ўтказилган бу мусобақада биринчи ўринни эгаллади ва командирлик томонидан мақтов қоғози олишга муваффақ бўлди.

Матрос Иброҳимов ўз спорт маҳоратини кун сайин ошириб бормоқда. Бу унга ҳарбий топшириқларни ўз вақтида ҳамда пухта бажаришга ёрдам бермоқда.

М. МУСАЕВ,
Н-қисм.

ЮРАК СЎЗЛАРИ

Қисмимиз солдатлари ва командирларимиз Фозил Қозоқбоев номини ҳурмат билан тилга оладилар. У жанговар техникани пухта эгаллаб, ҳарбий ва сиёсий тайёргарликда сафдошларига намуна бўлмоқда. Яқинда у Тошкент область, Калинин районидаги «Бўзсув» совхозининг аъзоси онаси Турсуной Қозоқбоевадан хат олди:

«Севимли ўғлим! Командирингдан хат олдим. Унда она-Ватан олдидаги юксак бурчни шараф билан аъло адо этаётганинг учун сенга «Совет Армияси аълочиси» значоги берилгани хабар қилинган. Бундан мен ғоят мамнун бўлдим. Қалбим сен билан фахрланиш ҳиссига тўлди. Сенга хизматда янгидан-янги ютуқлар тилайман».

Онанинг бу сўзлари жангчининг ғайратига-ғайрат қўшди, уни меҳнатда янги зафарларга илҳомлантирди. Куни кеча у «Коммунистик меҳнат зарбдори» деган юксак ном олди.

* * *

Редакцияга хат ёзган К. Тошпўлатов, Д. Бўронов, Т. Қаюмов, С. Жуманов, А. Сотиболдиев, Н. Жангиров, И. Норматов, М. Иброҳимов, Я. Мажидов, А. Абдуллаев, У. Бобоев, Н. Тиловов, Х. Мавлонов, Ҳ. Машрапов, М. Мирзаев, сержант М. Тўйматов, ефрейтор В. Ғафуров ва бошқа кўплаб солдатлар ҳам Совет Армияси сафида ўз бурчларини шараф билан адо этаётганликлари ҳақида қувонч билан ҳикоя қиладилар.

ОЛТИН ЮЛДУЗ

ЯНГИ ҚАҲРАМОНЛАР

Қизилқумнинг ўтлоқларида, паст-баланд яйловларида илк баҳорда бўлиб, яшил майсаларни, лола қизғалдоқларни кўргач, айниқса, димоғингизни яйратиб юборадиган беғубор ҳавосидан нафас олгач, «жаннат экан бу ер» дейишингиз мумкин. Қор-ёмғирга сероб қиши ҳам кўнглингизни хушнуд қилар. Лекин баъзи-баъзида қўзғолиб қоладиган дайди бўронлари, нафасингизни бўғувчи саратон жазирамаларидан пича «татигач», «бу ерда қишин-ёзин меҳнат қилаётган чорвадорларга балли-ей», дейишингиз турган гап.

Қизилқумни ўзига бўйсундириб, уни коммунизм ишига хизмат қилдираётган, бу ерда минг-минг қўйларни боқиб, коммунистик мўлкўлчилик яратиш йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган одамлар кўп. Уларни чўл шоввозлари, Қизилқум баҳодирлари деса арзийди. «Нурота» совхозининг бош чўпони, коммунист Авалбек Умаров ҳам шуларнинг сафида. У ҳамкасблари ўртасида анча ёш бўлса ҳам, чўпонлик маҳоратида улардан ўзиб кетди.

Авалбек тонг шарпаси сезилиб қолган пайтдаёқ уйғонди. Чодир тирқишидан ташқарига қараса, тонг юлдузи уфқдан бир терак бўйи юқорида турибди. Демак, бугун ҳам ҳаво яхши бўлади, қўйлар яйраб ўтлайди.

— Чойинг қайнадими?— сўрайди у апил-тапил кийинар экан.

— Қайнай деб қолди,— дейди аллақачон уйғониб, эрига нонушта тайёрлаётган Умидой.

— Жуда соз, мен унгача бирров қўрағa чиқиб келаман...

Авалбек овқатланиб олгач, қўйларни яйловга ҳайдаб кетди. Ўғли Жўрабойни мактабга жўнатгач, Умидой ҳам яйловга етиб келди.

— Сен қўйларга кўз-қулоқ бўлиб тур, — уқтирди Авалбек унга. — Мен яқин-атрофлардаги яйловларни айланиб чиқай. Эртага отарни бошқа жойга кўчирмасак, бу ерда ўтнинг шуди кетди.

Иккинчи ферманинг бош чўпони, Авалбекнинг мусобақадоши Бобоёр Нурбоев иттифоқо йўлдан чиқиб қолди.

— Шундай катта яйлов ҳам сенга кифоя қилмабди-да,— ҳазиломуз сўз қотди Нурбоев.

— Тўғри айтасан, дўстим, кифоя қилмади. Ҳар 100 совлиқдан 200 дан қўзи олмоқчи бўлган киши тиниб-тинчиб ўтирармиди, — Авалбек отини чапга буриб, Нурбоевга яқинлашди. — Дарвоқе, мусобақадошлигимизни унутмадингми? Керак бўлса, йўталиб қўйсанг бўлгани: ёрдамга шаймиз.

— Ҳимматинг учун раҳмат!— Бобоёр миннатдорчилик билдирди. — Ҳозирча дурустмиз. Қишдан эсон-омон, қўйларни нобуд қилмай чиқиб олдик. Бунда сенинг маслаҳат ва мулоҳазаларинг жуда қўл келди.

Авалбек 3-фермада, Бобоёр эса 2-фермада ишлайди. Бу икки чўпон бир умрлик қадрдон. Бунинг устига, қўйлардан кўп қўзи, жун, қоракўл тери олиш учун иккаласи беллашяпти. Бултур Авалбек Умаров ҳар юз совлиқдан 172 тадан, Нурбоев эса 155 тадан қўзи олди. Абжирликда ном чиқарган Бобоёр ака ҳозир «Авалбекка етмасам, отимни бошқа қўяман» деб ғижиниб юрибди.

Ҳақиқий чўпон бошқалардан ўрганибгина қолмай, янгилик яратади, чорвачиликда ўзига хос усуллар, йўллар қидиради. Ана шундагина чўпоннинг меҳнати самарали бўлади, касби ижодга айланади. Умаров ҳам шу хилдаги одам. Китобларда ёзилган гаплар, илғорлар тажрибасига таяниш билан кифояланмайди. Ҳамиша ўйлайди, мушоҳида қилади, синаб кўради, таққослайди.

Бурноғи йили қиш жуда қаттиқ келиб, Нуротадаги хўжаликларнинг анчагина қўйи нобуд бўлди. Умаров отари эса қишдан жуда яхши чиқди. 3-ферма бошқарувчиси Мирзаи Нурбоев шу ҳақда ўйланиб қолди. Ҳамма гап шундаки, Авалбек қўйларни бошқа чўпонларга қараганда қишда бошқача асради. 1964—1965 йил қишловига тайёрлик кўриш олдидан Мирзаи ака Умаровга бир кун бундай деб қолди:

— Сенинг қишловни ўтказишдаги, кўплаб қўзи олиш, яйловлардан усталик билан фойдаланишдаги тутган йўлинг, тажрибанг ҳаммани қизиқтиради. Шуларни ҳамкасбларинг билан баҳам кўрсанг қандай бўларкин? Чўпонлар илтимос қилишяпти.

— Агар дўстларга менинг тажрибам фойдали бўлса, бажонидил гапириб бераман, — уялинқираб сўзлади чўпон йигит. — Бу ўзимнинг ҳам кўнглимга келувди-ю, бироқ бошқаларга «менинг тажрибамни ўрганинглар» дейишга тортиндим.

Ўтган йилнинг кузида 3-ферма чўпонларидан бирининг уйида Авалбекнинг ҳамкасблари, совхознинг кўпгина чўпонлари жамулжам бўлди. Чорвадорлар учун энг масъулиятли давр — қишловни яхши ўтказиш, умуман чорвачиликнинг муҳим масалалари ҳақида фикрлашиб олиш лозим эди. Ҳамма айниқса Умаровнинг сўзлашини ошиқиб кутарди. Мана, Авалбек сўз олди.

— Қишлов учун озуқа нечоғли муҳим эканини ўзинглар яхши биласизлар,—деб сўз бошлади Умаров. — Лекин қўйларни суғориш, бир қарашда, арзимас, шунчаки иш туюлади. Бироқ бунда ҳам гап кўп. Баъзи бир чўпонлар қиш кунлари қўйларни эрталаб ўрнидан қўзғотиш биланоқ суғориб қўяди. Музден сув ҳайвоннинг увишиб турган иссиқ танини заха қилиб, совуқ олдириб қўяди. Тағин бир нарсага эътибор қилиш керак. Қиш авжига минган кунлари биз отардаги чўпонлар тунда навбатма-навбат постда турдик. Қўйларни вақт-вақти билан қўзғотиб, узоқ вақт ерга бир ёнбошини қўйиб ётишига йўл қўймадик. Бу ҳам қўйларни зах уришдан асради...

Авалбек яна кўп нарсалар ҳақида гапирди. Яйловлардан оқилона фойдаланиш, ҳар бир қўйнинг мижозини яхши ўрганиб бориш, айниқса чўпонлик касбини улуғлаш ҳақида завқ-шавқ билан сўзлади.

Бу йилги қишловда Умаровнинг тажрибаси бошқаларга жуда қўл келди. Совхознинг ҳамма отарларида қўйлар қишдан соғлом чиқди.

Авалбекка Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Бундан Авалбек билан ёнма-ён туриб ишлаётган ҳамкасблари, бутун совхоз коллективи чексиз қувондилар. Чўпонни табриклашди, яхши истаклар билдиришди.

Н. УЛУҒЖОНОВ.

ЗАНГ КАНАЛИ ҚАЙТА ҚУРИЛДИ

ТЕРМИЗ, (ЎзТАГ). Сурхон дарёсида қурилган бош тўғоннинг дарвозалари очилди — зилол сув бетондан либос кийган Занг каналига бўйлаб оқа бошлади. Бу канал Ўзбекистон жанубидаги жуда муҳим ирригация иншоотларидан биридир.

Моторлар ва бетон заводларининг ғувиллаши Сурхон водийсидаги далаларга ёзин-қишин эшитилиб турарди. 12 мартда уларнинг овози ўчди-ю, канал ва ариқларда сувнинг шилдираб оқаётгани эшитила бошлади. Канал яшарди. Унинг 90 километрли ўзанидан уч миллион кубометрга яқин тупроқ чиқарилди, қирғоқлари ва тагига 56 минг кубометр бетон ётқизилди. Бу эса сувни нобуд қилмай далаларга ҳар секундда 70 кубометр оқизиш имконини яратди.

Сув нест-нобуд бўлмайди... Область ирригаторларининг айтишларича, илгари жуда кўп сув ерга сингиб кетар, экинлар авж олиб ўсаётган даврда каналга берилган икки миллиард 613 миллион кубометр сувнинг учдан бир қисми далаларга бориб етмас эди. Энди нобудгарчиликларга чек қўйилди. Ўтган йили областда 200 километрдан ошиқ каналларга бетон ётқизилди.

Асосий ирригация ишлари янгидан сув чиқарилган ерларда, биринчи галда эса Шеробод чўлида олиб борилмоқда. Бу ишларнинг тугалланиши Сурхондарё областидаги суғориладиган майдонларни қарийб икки баравар кенгайтириш имконини беради.

Суратда: илғор попопчи Сайёра Нормуҳаммедова. У Тошкент бадиий буюмлар фабрикасининг серғайрат ва жамоатчи аёлларидан.

И. Глауберзон фотоси.

Совет кишиларининг маданий ва маънавий эҳтиёж ҳамда талаблари, дид ва завқи кун сайин ўсиб бормоқда. Шу нарсани тан олиш керакки, композиторларимиз яратаётган асарлар, ижрочиларнинг, бадиий коллективларнинг ижрочилик маҳорати диди баланд шинавандаларнинг талабига жавоб бермаётир. Радиотингловчилар ва телетомошабинларимиз замонабоп жўшқин, рангдор, кишини руҳлантирувчи, чинакам илҳом билан ёзилган асарлар камлигидан ҳақли равишда нолимоқдалар, улар композиторларимиздан, ижрочиларимиздан, концерт ташкилотларидан, ижодий союзлардан ўпкаламоқдалар. Ҳақиқатан ҳам меҳнаткаш, қаҳрамон халқимиз юксак дид ва жўшқин илҳом билан ёзилган музика асарларига ташна.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбек Давлат филармонияси республикамизнинг кекса ва йирик бадиий ташкилотларидан биридир. Филармонияда симфоник оркестр, халқ чолғу асбоблари оркестри, ашула ва рақс ансамбллари, эстрада оркестри, катта хор капелла ишлаб турибди. Шуни очиқ айтиш керакки, бу коллективларнинг репертуарлари қашшоқ ва эскириб қолган, бу репертуарлар янгиликка ташна тингловчиларга завқ бера олмайди. Ўзбекистон композиторларининг IV съездидан кейин ўтган давр ичида хор коллективларининг биронта янги программаси ёзиб олингани йўқ. Чунки улар талабга жавоб бермайди.

Республикамиздаги музикали драма театрлари, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, ҳатто пойтахтдаги концерт ташкилотлари замонавий темада ёзилган оҳангдор ва завқ берувчи куй ва қўшиқларга муҳтож. Бу бадиий ташкилотлар программасида ҳамон ўша, композиторлар тили билан айтганда, бир овозли — «унисон» катта ўрин олиб келмоқда. Ўзбекистон ССР Маданият министрлигидаги баъзи раҳбар ўртоқлар жойлардаги халқ талантлари — ёш бадиий ҳаваскорларнинг ҳолидан хабар олмаётирлар, уларнинг ижодий ўсишлари, репертуарлари билан қизиқмайдилар.

Бунинг оқибатида радио ва телевидение орқали берилаётган халқ талантлари — бадиий ҳаваскорлар ижросидаги концерт программаси баъзан неча йиллардан бери айтилавериб сийқалашиб кетган куй ва қўшиқлардан иборат бўлиб қолмоқда. Композиторларимиз бадиий ҳаваскорлик коллективлари учун оммабоп куй ва қўшиқлар яратишни ҳатто хаёлларига ҳам келтирмай қўйдилар. Баъзи атоқли композиторларимиз пишиб, сайқалланиб ўз қиёмига ва ниҳоясига етган классик ва халқ куйларини «силликлаш» билан овора бўлиб қолмоқдалар. Халқимиз композиторлардан ва ижрочилардан янги, оригинал, ҳаммага манзур асарлар талаб қилади.

Республика Маданият министрлиги ҳузурида ташкил этилган Бадиий кенгаш қониқарсиз ишламоқда. Республикамизнинг атоқли музика арбоблари, йирик санъаткорларидан иборат таркибдаги бу Бадиий кенгаш ҳозирги замон музика маданиятини ривожлантиришга доир биронта ҳам масалани муҳокама қилгани йўқ, янги яратилган асарлар чинакамига ижодий муҳокама қилинмайди.

Композиторлар союзи билан ёзувчилар союзи ўртасида, композиторлар билан шоирлар ўртасида ижодий ҳамкорлик яхши йўлга қўйилмаганлиги музика маданиятимизнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шоирларимиз ҳозирги замон темасида қўшиқ текстларини кам ёзмоқдалар, баъзан ёзилаётган текстлар эса замон талабидан узоқ, саёз, завқсиз, жонсиз бўлиб қолмоқда. Гоҳо композиторларимиз, шоирларимиз яхши қўшиқ текстлари ёзмаётганликларидан шикоят қиладилар. Юқорида айтганимиздек, бу бир томондан тўғри, шоирларимиз адресига ҳаққоний эътироз. Иккинчи томондан композиторларимизнинг ҳадеб нолийверишлари ҳам ўринли эмас. Қачон текст беришса ёзаман, деб қўл қовуштириб турувчи бастакор чинакам ижодчи эмас. У ҳамиша изланишда бўлиши, шоирлар билан ижодий ҳамкорликни ҳеч қачон узмаслиги керак. Шоир билан композиторнинг чинакам ҳамкорлиги кутилган ижодий маҳсулотни беради. Яқинда Ўзбекистон радиоси композитор М. Насимов билан шоир Ҳ. Шариповнинг «Дилбарим» номли IV қисмдан иборат вокаль сюитасини тингловчиларга тақдим этди. Халқ томонидан мамнуният билан кутиб олинган бу ажойиб лирик ва дилрабо асар композитор ва шоирнинг узоқ вақт қунт билан олиб борган ижодий ҳамкорлигининг мевасидир. Шунингдек, «Улуғ Ленинга минг ташаккур» (Д. Зокиров), «Минг офарин» (И. Акбаров), «Қаҳрамон қизлар» (Х. Изомов), «Кечалар юлдуз санаб» (С. Жалил), «Дилрабо оқшом» (Э. Солиҳов), «Кўчалар» (Д. Зокиров) каби ажойиб оммабоп қўшиқлар ҳам тингловчилар қалбидан жой топа олди. Ана шунинг учун ҳам бу асарларни концерт программаларига тез-тез киритишни сўраб кўплаб талабномалар келиб турибди.

Шуни унутмаслик керакки, шоирлар композиторларнинг энг яқин ижодий дўсти. Ҳаёт ва замон ҳодисаларига кўз-қулоқ бўлиб туриш билан бир қаторда бадиий адабиёт билан мунтазам танишиб бориш ва шуғулланиш композиторлар ижодий фаолиятининг мазмунини ташкил этувчи асосий омиллардан биридир. Композиторларимиз ёзувчи ва шоирларимизнинг янги асарлари билан танишиб боришга унчалик эътибор бермайдилар. Бадиий адабиёт билан доим танишиб бориш композиторларимизга янги тема, илҳом беради. Бир мисол: тожик совет композитори Сайфуддинов шоир Миршакарнинг «Олтин қишлоқ» номли поэмасини ўқиб чиққач композитор хаёлини янги идея, янги тема чулғаб олди. Сайфуддинов ана шу поэма асосида музика асари ёзишга киришди ва ажойиб симфоник поэма майдонга келди. Катта олқишга сазовор бўлган бу асар Москва радиоси томонидан поэма тексти асосида ҳаммабоп ажойиб музикали-адабий композицияга айлантирилди.

Озарбайжон совет композитори Шафига Охундова ўзбек ёзувчиси Ш. Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи» қиссаси асосида ёқимли, дилбар, жозибадор куйларга тўла музика асари яратди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, бадиий адабиёт билан шуғулланиш композиторлар фаолиятида янги-янги ижодий уфқлар очади.

Совет халқи коммунизм қурилишини тезлатиш соҳасида мардонавор меҳнат қилмоқда. Қаҳрамон ва ижодкор халқимизнинг турмуш ва онг даражаси беқиёс юксалмоқда. Моддий бойликлар ижодкори совет кишилари ўз меҳнатларига яраша яшашлари, дам олишлари керак. Яхши меҳнат қилиб яхши яшаётган халқимиз яхши музика ва қўшиқлар тинглашни ҳам истайди.

Коммунистик давримиз довруғини тараннум этувчи музика ва қўшиқлар парвоз этишини ва бу қўшиқлар ижодкор халқимизни яна янги зафарларга руҳлантиришини истаймиз.

Б. ЗИЁЕВ,
Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг радио эшиттириш ва телевидение Давлат комитетининг бош редактори.

М. ҚОРИЕВ,
Ф. МУСАЖОНОВ,
Бадиий эшиттириш редакциясининг старший редакторлари.

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

Дўстлик мустаҳкамланмоқда

ЛУДХИАНА, 15 март. (ТАСС). Маданий алоқаларни ривожлантириш Ҳиндистон—Совет жамияти 7-миллий конференциясининг охирги ялпи сессиясида парламент аъзоси, Ҳиндистоннинг атоқли сиёсий арбоби Кришна Менон нутқ сўзлади. Кришна Менон Совет Иттифоқининг халқаро тараққиёт ишига қўшган ҳиссаси тўғрисида гапириб, СССРнинг мавжудлиги энг қимматли ҳисса, деб айтганида ҳамма қарсак чалди. Совет Иттифоқининг тарихий бўронлардан янада мустаҳкамланиб чиққанлиги, деди у, халқларга, шу жумладан ҳинд халқига ҳам порлоқ истиқболга умид бағишлади.

Менон яна бундай деди: Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар тенглик ва ўзаро ишончнинг ҳамиша соғлом негизига таяниб келди. Ҳиндистон озод, мустақил мамлакат бўлиб қолаверар экан, унинг Совет Иттифоқи билан дўстлик сиёсати ўзгармай қолаверади.

К. Менон уруш ва тинчлик масалаларига тўхталиб, империализмни қаттиқ қоралади. У, АҚШнинг Вьетнамда ўтказаётган сиёсатини характерлаб, бу сиёсат «ошкора ва актив агрессия» сиёсати, деди. Менон жаҳон жамоатчилигини Вьетнам халқини Америка империализмининг ҳамлаларидан ҳимоя қилиб чиқишга чақирди.

Маданий алоқаларни ривожлантириш Совет — Ҳиндистон жамиятининг бош секретари В. П. Байдаков иқтисодий, савдо-сотиқ ва маданий алоқалар соҳасида Ҳиндистон—Совет ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш масалаларига тўхталиб ўтди.

Конференция делегатлари янги раҳбарликни сайладилар. Ҳиндистоннинг Совет Иттифоқидаги собиқ элчиси Кришна Менон жамиятнинг президенти қилиб сайланди.

Совет—Ҳиндистон ҳамкорлиги тўғрисидаги резолюция ва бошқа бир қанча резолюциялар қабул қилинди. Бу резолюциялар ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстликни, иқтисодий ва маданий муносабатларни янада мустаҳкамлашга даъват этади.

Лудхианадаги Жимкхан клубида Ҳиндистон—Совет дўстлиги оммавий митинги ўтказилди. Жамиятнинг президенти Кришна Менон ва бошқалар ўн минг киши олдида нутқ сўзладилар.

Конференция ўз ишини тамомлади. Конференция ҳиндларнинг СССРга нисбатан қизғин муҳаббатини, ҳар иккала мамлакат халқлари ўртасидаги бузилмас дўстликни намойиш қилди.

СОВЕТ ЖУРНАЛИСТИ ОЗОДЛИККА ЧИҚАРИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 15 март. (ТАСС). «Известия» газетасининг мухбири Н. П. Хохлов бугун қамоқдан бўшатилди, деб хабар беради Ассошиэйтед пресс агентлигининг мухбири Леопольдвилдан.

Леопольдвиль охранкаси бир ярим ой муқаддам совет журналистини сира асоссиз қамаб қўйган эди. Унга қарши «айб»лар тўқишга уриниб кўрдилар, лекин Леопольдвиль ҳукумат маъмурларининг ҳамма уринишлари барбод бўлди.

Маъмурлар халқаро жамоатчиликнинг тазйиқи остида Н. П. Хохловни озод қилишга мажбур бўлдилар.

МАСЛАҲАТЛАШИБ ОЛДИЛАР

БЕЛГРАД, 15 март. (ТАСС). 13-14 мартда Белградда блокларга қўшилмаган мамлакатлар вакилларининг маслаҳат мажлислари ўтказилди. Бу мажлисларда Вьетнамдаги аҳвол муҳокама қилинди. Маслаҳат мажлисларида Афғонистон, Жазоир, Цейлон, Эфиопия, Гана, Гвинея, Ироқ, Ҳиндистон, Кипр, Куба, Мали, Тунис, Бирлашган Араб Республикаси ва Югославия вакиллари қатнашдилар. Сурия вакили кузатувчи сифатида қатнашди.

Маслаҳатлашиш давомида Вьетнамдаги аҳвол масаласи юзасидан мурожаат тексти ишлаб чиқилди.

Уругвай деҳқонлари совет қишлоқ хўжалик техникасига зўр қизиқиш билан қарамоқдалар. «Каньяда гранде» кооперативи бундан етти йил муқаддам биринчи бўлиб «СК-3» маркали ўзиюрар комбайнни, 1963 йили эса «ДТ-20» тракторини ҳам сотиб олган эди. Бу машиналар юксак баҳога сазовор бўлди. Уругвайлик фермерлар совет тракторлари ва прицепларини сотиб олмоқдалар. Суратда: Уругвай импорт фирмаси ва совет ташқи савдо ташкилотларининг вакиллари «Каньяда гранде» қишлоқ хўжалик кооперативида картошка экишга мосланган совет тракторини кўздан кечирмоқдалар.

Е. Ельшов фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

ПЛАНЕТАНИНГ ҲАММА ТОМОНИДАН

ТАССНИНГ ЯКШАНБА ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИ

Л. ЖОНСОННИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Қўшма Штатлар президенти Жонсон матбуот конференциясида Селмадаги (Алабама штати) воқеалар Америка бошига тушган бир фожиа, деб таъкидлайди.

Матбуот конференцияси Оқ уйнинг боғида ўтказилди. Шу пайтда ирқчиларнинг Алабамада авж олиб кетган террорига қарши норозилик билдириш юзасидан президент резиденцияси ташқарисида оммавий намойиш бўлди. Намойиш қатнашчилари «Ҳозирнинг ўзидаёқ озодликка эришайлик» деб хитоб қилдилар. Матбуот конференциясида ҳозир бўлган кишиларнинг ҳаммаси уларнинг талабларини эшитиб турди.

Ўтган ҳафта, деб қайд қилди президент, Америка демократиясига «Жуда чуқур ва жуда оғир таъсир» қолдирди. Бундан тўқсон беш йил муқаддам конституцияга тузатиш қабул қилинган эди.

Бу тузатиш, американикларнинг бирортаси ҳам ирқи ёки танасининг рангига қараб овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум қилинмасин, деб талаб қилади. Қарийб юз йилдан буён Америка фуқаролари негр бўлганлари учунгина овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланмай келмоқдалар.

Жонсон АҚШ ҳукуматининг Жанубий Вьетнамдаги сиёсати тўғрисида берилган саволга жавоб қайтариб, АҚШнинг бу мамлакатдаги вазияти «жуда оғир», деди.

ФРАНЦИЯДА САЙЛОВЛАР

Якшанба куни Франциянинг ҳамма қисмида муниципал кенгашлар сайловларида овоз беришнинг биринчи давраси тамом бўлди. Французлардан 28 миллион киши муниципал кенгашларнинг 470 мингдан кўпроқ маслаҳатчиларини сайладилар. Номзодлар орасида ҳукуматнинг 16 аъзоси ва парламентнинг 600 аъзоси бор.

Сайловларнинг қатъий натижалари маҳаллий ҳокимият органларининг сиёсий составини белгилаш ва мамлакатдаги сиёсий кучларнинг жойланишини кўрсатиш билан бирга, президент сайловлари олдидан бош репетиция ҳам бўлади. Сайлов натижалари 21 мартдан кейин, яъни овоз беришнинг иккинчи охирги давраси ўтказилганидан кейин маълум бўлади.

ЭНГ КАТТА НАМОЙИШ

Мьерес шаҳрида (Астурия) испан шахтерларининг намойиши икки соат давом этди. Намойишчилар шаҳар кўчаларидан ўтиб, «Озодлик», «Пролетарлар, бирлашингиз!» деган шиорларни айтиб юрдилар. Полиция ишчиларни ҳайдаб, калтаклай бошлади. Ярадорлар бор. Юньон франсэз д'энформасьон агентлигининг хабар беришича, маъмурларнинг бемор шахтёрларга ваъда қилинган нафақани тўлашдан бош тортганликлари намойиш ўтказилишига сабаб бўлган.

Бундай катта намойиш Астурияда 1939 йилдан буён ҳали кўрилмаган эди, деб таъкидлайди агентлик.

ГИГАНТНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Кремиков бинокорлари ва металлурглари шонли кунни нишонламоқдалар. Бундан беш йил муқаддам, 1960 йилнинг 15 мартида Болгария металлургиясининг ҳозирги гиганти ўрнида дастлабки тупроқ қазиш ишлари бошланган эди. Комбинатнинг кўпгина саноат иншоотлари қурилди ва ишга туширилди.

Комбинат тўла қувват билан ишлайдиган вақт яқин қолди. Комбинат ҳар йили 1 миллион 700 минг тоннача пўлат ишлаб чиқаради, комбинат кенгайтирилганидан кейин йилига 3-4 миллион тонна пўлат тайёрланади.

НЕРУ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН ВИСТАВКА

Деҳлида Ҳиндистон бош министри Жавоҳарлал Неру хотирасига бағишланган виставка очилди. Неру музейининг катта залида Ҳиндистоннинг атоқли давлат арбоби қўлёзмалари, китоблари, мақолалари, хатлари ва фотосуратларининг ноёб коллекцияси тўпланган. Виставкага қўйилган қўлёзмаларнинг бирида Неру қўли билан шу сўзлар ёзилган: «Карл Маркс ва Ленин асарларини ўқиш менда жуда катта таассурот қолдирди».

ВЕНАДА КЎКЛАМ ЯРМАРКАСИ

Венада традиция бўлиб қолган кўклам ярмаркаси очилди: бу ярмаркада 27 мамлакатдаги беш мингдан кўпроқ фирма қатнашади.

Ярмаркада Совет Иттифоқи, Германия Демократик Республикаси, Чехословакия, Венгрия, Болгария ва бошқа бир қанча социалистик давлатлар қатнашмоқдалар.

ИСРОИЛ — ГФР

Исроил ҳукумати бош министр Л. Эшкол раислигида ўтган мажлисида Боннинг Исроил билан Германия Федератив Республикаси ўртасида ҳар хил дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги таклифини қабул қилишга қарор берганлиги Тель-Авивда расмий суратда эълон қилинди.

Қароқчиларча ҳужум давом эттирилмоқда

НЬЮ-ЙОРК, 15 МАРТ. (ТАСС). АМЕРИКА САМОЛЕТЛАРИ БУГУН ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ТЕРРИТОРИЯСИГА ЯНА ҲУЖУМ ҚИЛДИ. ЮПИ АГЕНТЛИГИНИНГ МУХБИРИ АМЕРИКА РАСМИЙ ШАХСЛАРИНИНГ АЙТГАНЛАРИГА ТАЯНИБ, ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМ ПОЙТАХТИДАН АНА ШУНИ ХАБАР ҚИЛДИ.

ХАРТУМДА НАМОЙИШ

ХАРТУМ, 15 март. (ТАСС). Кеча Хартумда «Осиё, Африка мамлакатларининг бирдамлигини мустаҳкамлайлик», «Яшасин 21 октябрь революцияси» деган шиорлар остида кўпминг кишилик намойиш ўтказилди. Бу намойишни Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Судан комитети уюштирди. Намойишчилар Абу Гензир майдонидан шаҳарнинг асосий кўчаси бўйлаб ўтдилар. Намойишчилар Америка элчихонасининг биноси олдида тўхталиб, Американинг Осиё ва Африка халқлари ишларига сурбетларча аралашиш сиёсатига қаҳр-ғазаб билан лаънат ўқидилар. Шундан кейин намойишчилар Бирлашган Араб Республикасининг Германия Федератив Республикасига нисбатан тутган позициясини маъқуллаганликларини изҳор қилиш учун Бирлашган Араб Республикаси элчихонаси биносига қараб йўл олдилар.

Фавқулодда ҳолат

ПАРИЖ, 15 март. (ТАСС). Моиз Чомбе ҳукумати Конгонинг марказий Қувайт вилоятида фавқулодда ҳолат эълон қилишга қарор қилди. Франс пресс агентлиги мухбирининг Леопольдвилдан хабар беришича, Конго ҳукуматининг Қувайт вилоятида фавқулодда ҳолат ўрнатишининг сабаби эълон қилинмаган.

Репрессиялар фашист диктаторни қутқазиб қололмайди

ПАРГЯВТ, 15 март. (ТАСС). Франко полицияси испан меҳнаткашларининг фашист диктатурасига қарши оммавий чиқишларига репрессияни кучайтириш билан жавоб бермоқда. Астурия кончилари 12 мартда Мьерес шаҳрида намойиш ўтказганларидан кейин, полиция йигирмага яқин ишчини қамоққа олиб, Овиедо турмасига юборди, деб хабар беради «Юманите» газетаси.

Барселонада ҳам кўп киши қамоққа олинди. 23 февралда бу шаҳарда ўтказилган намойишдан кейин полиция томонидан қамоққа олинган саккиз ишчи ҳали ҳам турмада ётибди.

«Испанияни ҳимоя қилиш Француз комитети» испан меҳнаткашлари намойишларининг фашист диктатураси томонидан шафқатсизлик билан бостирилишини қоралаб, испан халқининг озодлиги учун курашаётган ҳамма кишиларга мурожаат қилди ва уларни Испаниядаги репрессияларга қарши халқаро конференция чақириш ташаббусини қўллаб-қувватлашга даъват этди.

Конференцияни шу йил март ойининг охирида Лондонда ўтказиш кўзда тутилади.

50 МАМЛАКАТГА САЁҲАТ

Совет туристлари бу йил қарийб эллик чет мамлакатга саёҳат қилишлари мумкин.

Чет мамлакатларга саёҳат қилиш ҳаваскорлари бундан буён Исландия, Эрон, Марокаш, Тунисга боришлари мумкин бўлади. 1 май байрами кунларида Италияга самолётда борса бўлади. Покистон, Япония, Куба, Цейлон, Мексика каби узоқ мамлакатларга саёҳат қилиш жуда қизиқарли бўлади. Европадаги социалистик давлатларга шахсий автомобилда ҳам бориш мумкин.

Денгиз йўлларидаги саёҳатлар анча кўпайтирилади. Булардан биринчиси—Балтика ва Шимолий денгизлардаги саёҳат май ойининг охирида бошланади. Шунингдек Шарқий ва Ғарбий Африкадаги мамлакатларга ҳам саёҳатлар уюштириш мўлжалланмоқда.

Теплоходларда Европа бўйлаб, мовий Дунай дарёсида сафар қилиш кимларни қизиқтирмайди, дейсиз.

Қора денгиз ва Балтика денгиз соҳилларидаги, Балатон кўли яқинидаги курортларга дам олиш учун бориш муддатини илгариги икки ҳафтага қараганда анча узайтириш мўлжалланмоқда. (ТАСС).

ИРҚЧИЛАРНИНГ БОННДАГИ ҲОМИЙЛАРИ

ХАЛҚАРО ТЕМАДА

Бу воқеа ўтган йили сентябрь ойида бўлиб ўтган эди. Хендрик Френч Фервурд жаноби олийлари ўз туғилган кунларининг зиёфатини ўтказаётган эдилар. Тантана айни қизиган бир пайтда унинг олдига башанг кийинган ва қадди-қоматини ҳарбийчасига тик тутган бир киши яқин келди. «Мен сизни «герман мустамлакаси» ва шахсан жаноб фон Меллентин номидан табрик қиламан жаноб бош министр», — деди у немисчалаб. «Раҳмат сизга, — жавоб берди Фервурд мулозимат билан эгилиб куллуқ қилар экан. — Мен учун ғоятда тантанали бўлган кунда садоқатли ва чин дўстларни хотирга олишдан мамнунман. Мен қора бадбахтларни жиловлаб туришимизга ёрдам бераётганларни ҳам миннатдорлик билан хотирлаяпман. Бу қадаҳни шу ердаги ва у ердаги, герман дўстларимиз учун кўтараман».

Ирқчи ҳукуматнинг бошлиғи қайси дўстларини назарда тутмоқда?

1945 йилда юзларча нацист қотиллар жазоланишдан қўрқиб Жанубий Африка Республикасига ирқчиларнинг паноҳига қочиб келдилар. Фашистлар бу ерда ҳатто «герман мустамлакаси»ни ҳам уюштирдилар, уларнинг вакиллари кўп ўтмасдан ҳукумат аппаратида, армияда, трест ва банкларнинг идораларида юқори мансабларни эгаллаб олдилар. Худди ана шу нацистлар мустамлакаси ГФР ва ЖАР ни ўзаро боғловчи кучли звено бўлиб қолди. Бонн 50-йиллардаёқ ана шу «мустамлака» билан мустаҳкам алоқани йўлга қўябошлади. Ирқчилар қўлига Ғарбий Германия капитали, қуроллари товарлари оқиб кела бошлади.

Жаҳон жамоатчилиги мамлакатни африкаликлар учун чинакам дўзахга айлантирган Фервурд ҳокимиятини қатъий қоралаган бир вақтда Бонн концернлари Иоганнесбург ва Кейптаунда янги турмалар қурдилар, жаллодларга тўплар ҳамда пулемётлар етказиб бердилар. 1953 йилдан 1963 йилгача ўтган давр ичида Ғарбий Германиянинг Жанубий Африкага етказиб берган маблағи 303,7 миллион маркадан 732,6 миллион маркага етди.

ГФР президенти Генрих Любке ЖАРга сафар қилган пайтда у ерда уни ғоятда қадрли меҳмон сифатида қарши олдилар. Фервурд бу ердаги диққатга сазовор жойлар қатори президентга «қора халқ» учун фашист намунасида жиҳозланган концлагерлардан бирини ҳам томоша қилдирди. Ғарбий Германия президенти ўзининг ирқчи Фервурд томонга қилган сафарини якунлар экан «Бу ерда тубжой халқнинг проблемаси ишончли қўлларда», деб хулоса чиқарди.

Бонннинг Иоганнесбург билан ўзаро дўстлиги мустаҳкам. Ғарбий Германиянинг бу ерга қўйган капитали 1959 йилда 300 миллион маркка яқин бўлса, кейинги вақтда унинг ҳажми шундай тез ўсдики, айни замонда у 5 миллиард маркка етди. Бонн 1963 йилнинг ўзида ирқчиларга 120 миллион расмий кредит берди. Уша йилнинг кузида ГФР ва ЖАР ўртасида ядро қуроли тайёрлайдиган материалларни ишлаб чиқаришни ҳамда уран конларидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида шартнома ҳам тузилди. Бонн учун атом қуроли нима учун зарур эканлиги ҳаммага маълум. Жаноб Фервурд ҳам ўз мақсадларини пинҳон тутмайди. Ирқчилар ўзларининг қонли диктатураларини ҳимоя қилиш учун Африка халқларига қарши атом қуроли ишлатишга тайёр эканликларини бир неча марта баён қилганлар.

Яқинда Ғарбий Германия «Люфтганза»сининг бош вакили сифатида «герман мустамлакаси» билан мустаҳкам боғланган нацист генерал фон Меллентин 1961 йилдаёқ ЖАР да кўплаб реактив қирувчи самолётлар ишлаб чиқара оладиган корхона қуриш тўғрисида махфий шартнома тузганлиги очилиб қолди.

ГФР билан Жанубий Африка Республикасининг ўзаро ҳарбий ҳамкорлиги ўз олдига Африкадаги миллий-озодлик ҳаракатига қарши курашиш мақсадини қўйганлиги эндиликда сир бўлмай қолганлиги ҳаммага маълум. 1964 йилнинг охирида ЖАР Ташқи ишлар министри Хильгард Мюллер (нацист ва Фервурднинг яқин дўсти) ўзининг Боннга қилган саёҳати тўғрисида «Индустрикурир» газетаси мухбири билан суҳбатида Боннда ЖАРнинг вазифасини яхши тушунганликларини хурсандлик билан қайд қилиб ўтди. Яъни ЖАР коммунистик экспансиянинг фақат Африкага, балки Африка доирасидан чиқиб дунёнинг бошқа қисмига (шунингдек Жанубий Европага ҳам) тарқалишига қарши курашишда таянч эканлигини Бонн маъмурларининг яхши англашларини қувониб гапирди. Мюллер ҳатто ўз ифодасида ҳам нацистчасига йўл тутади. У худди Геббельсга ўхшаб халқ озодлик ҳаракатини «Коммунистик экспансия» деб ифода қилади.

Ғарбий Германия сиёсатдонлари Фервурднинг ирқчилик режимини «Африкадаги жандарма» сифатида бор кучлари билан қўллаб-қувватлашга интилмоқдалар. Масалан юқорида номи зикр этилган, фашист «африка корпуси» контрразведкасининг собиқ бошлиғи фон Меллентин Жанубий Африка урушқоқлари билан бирга Конгодаги озодлик ҳаракатига қарши кураш олиб боришнинг агрессив планини ишлаб чиқди. ЖАР дан «ГФР да тайёрланган» маркали янги автоматлар билан қуролланган Ғарбий Германиянинг ёлланган ҳарбийлари Чомбега ёрдам бериш учун юборилмоқда. Бундесвернинг собиқ инспектори, ҳарбий жиноятчи Адольф Хойзингер эса ўтган йили ноябрь ойида Африка ватанпарварларига қарши, Конго ва Анголада озодлик учун кураш олиб бораётган кишиларга қарши курашда ҳатто бундесвер ва НАТО қўшинларидан фойдаланиш кераклигини талаб қилди.

Ҳа, шундай, Боннда жаноб Фервурднинг ҳамда Африка халқлари бошқа жаллодларининг ҳақиқатан ҳам «чин ва содиқ» дўстлари бор! Халқимизда «пес пес билан короиғида топишар» деган нақл бор. Ирқчи нацистларни ҳам шунга таққосласа бўлади. Бонн дипломатларининг ҳар қандай ҳийла-найранглари бу жинояткорона алоқани яшира олмайди.

Африка халқлари ўз озодликлари, мустақилликларига қарши қаратилган ёвуз ниятли нацист қотилларга қарши лаънатлар айтмоқдалар.

А. ГУРКОВ.
(АПН).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Радио

17 МАРТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Нодир музика асарлари, 9.25 — Кичик концерт, 10.10 — Украин куйлари, 10.30 — Шу кунларимиз таронаси, 11.10 — Медицина темасида, 11.25 — Ўзбекистон радио ва телевидение хорининг концерти, 13.30 — СССР Большой театри скрипкачилари ансамблининг концерти, 16.15 — Республика ёш композиторлари билан учрашув, 17.20 — Чолғу куйлари, 18.00 — «Ёшлик» радиостанцияси, 18.45 — Музикали танаффус, 19.20 — Қозоқ куйлари, 20.00 — Беда алмашлаб экилади (рус.), 20.10 — Д. Шостакович асарлари, 20.45 — Темир йўлчиларнинг янги марралари, 22.10 — «Хотира» (сиртқи студентлар учун лекция), 22.30 — З. Обидов ва Х. Салоҳ шеърлари, 23.10 — Сабзавотчилар талабига мувофиқ концерт.

Телевидение

17 МАРТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.30 — **Юлдузча тележурнали**, 19.10 — **Ҳаёт ишқи** (адабий эшиттириш), 19.30 — **Баҳорнинг бир куни йилга татийди** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 19.50 — **Концерт** (халқ филармонияси қатнашчилари ижросида).

20.30 — **Эшиттиришлар программаси.**

Рус тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар**, 20.50 — **Вишкадаги трамплин** (Сув спорти саройидан), 21.20 — **Реклама ва эълонлар**, 21.30 — **Бўйдоқнинг ҳаёти** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Китоб ташувчи мушук нима келтирди** (болалар учун), 18.25 — **Тошкент янгиликлари**, 18.45 — **Китобдан бир боб** (музикали эшиттириш), 19.15 — **Чақирилмаган меҳмонлар** (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 20.50 — **«Ёшлик» студияси** 21.15 — **Тошкент янгиликлари**, 21.25 — **Етти шамолда** (бадиий фильм).

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/III да **Жизель**, 18/III да **Князь Игорь**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/III да **Сарвқомат дилбарим**, 18/III да **Биринчи муҳаббат**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/III да **Жон қизлар**, 18/III да **Икки билагузук**.

Кино

Кутилмаган севги — «МИР», СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун), «ЮЛДУЗ» (кундуз соат 5 ва кеч 7 да).

Қора кўзойнак — «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ИСКРА», «СПУТНИК», «ВОСТОК», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (1-залда кундуз ва кечқурун, 2-залда кеч соат 8 ва 10 да), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз 5, кеч 7 ва 9 да).

Австралиялик хотин излайди — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ДРУЖБА» (2-залда), «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «ЮЛДУЗ» (кеч соат 9 да).

Иваннинг болалик чоғи — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 9-40 минутда).

Уч опа-сингил «ЁШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 9-50 минут ва кеч 10 да).

Ҳамширалар поезди — «МОСКВА» (эрталаб соат 10 ва кундуз 2 да).

Олтин калит — «СПУТНИК» (эрталаб соат 10 да).

Всевед бобонинг уч олтин сочи — «ВОСТОК» (эрталаб соат 10 да).

«УПРЗАГОТЛЕССБИТ»
ТОЛ СУПУРГИЛАР, СУПУРГИ ВА КУРАК СОПЛАРИ, БОРДОНЛАР, КАТТА ШИША САВАТЛАРИ

тайёрлаш учун

ташкилотлар билан

ШАРТНОМА ТУЗАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Александров кўчаси, 9-а уй, телефон 3-49-27.

93-трестнинг
«ЭНЕРГОМОНТАЖ» БОШҚАРМАСИГА
теплотехник, монтажчи инженерлар ва техниклар, 3, 4, 5, 6-разрядли монтажчи ва қозончи слесарлар, бригадирлар, 4, 5, 6-разрядли электрогазосваркачилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Заводская кўчаси, 36-уй (7, 9, 11-трамвай, 3, 6, 18, 23, 51-автобуснинг «Богдан Хмельницкий» остановкаси).

Топографик проезд, 1/3-уйда турувчи **Геня Львовна Казаченко**нинг шу уйда турувчи Евгений Петрович Казаченкодан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

Фақат
САНЪАТ САРОЙИДА
19 мартдан
кундуз соат 5, кеч 7, 9 ва 10 яримда
янги бадиий фильм

Можаро

Италиянинг Дино де Лаурентис. Чинематографика СПА студияси ишлаган.

1965 йил 27 март кундуз соат 1 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг илмий совети мажлисида (Братск кўчаси, 33-уй, 5-қават)

Т. Одилов — юридик фанлар кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Коммунизм қуриш кенг авж олдирилган даврда Ўзбекистон меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг халқ маорифига раҳбарлик қилишдаги фаолияти» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ

Диссертация билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
Техника ва донли экинлар экспериментал биологияси институтига

ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ
(қисқача ИНЭБР)
ДЕГАН НОМ БЕРИЛДИ.

ЧОРДАРА ГЭСИГА
инженерлар ва техниклар
(гидроцех смена бошлиқлари, навбатчи инженерлар, электр цехи старший инженерлари ва инженерлар вазифасига), гидротехника иншоотларини ремонт ва эксплуатация қилиш ишига **старший мастерлар ва мастерлар**

КЕРАК

Подъёмний пули меҳнат қонунларига мувофиқ тўланади.

Мурожаат учун адрес: Чимкент область, Чордара ГЭС.

«КЗИЛОРДАВОДСТРОЙ» ТРЕСТИГА
стационар дизель электростанция машинистлари, электриклар, тош майдалайдиган «СМ-439-740» установкаси машинистлари

КЕРАК

Подъёмний пули меҳнат қонунларига мувофиқ тўланади, уй-жой билан таъмин қилинади.

Иш жойига чақирув қоғози олгандан кейин келадилар.

Ариза билан меҳнат дафтарчасининг копиясини тақдим қилиш учун адрес: Қозоғистон ССР, Қизил Ўрда шаҳар, Карл Маркс кўчаси, 16-уй.

Чилонзор массив, 91-уй, 21-квартирада турувчи **Александр Викторович Искровнинг** Клара Цеткин кўчаси, 69-уй, 15-квартирада турувчи Зоя Дмитриевна Искровадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

Чирчиқ шаҳар, Бўзсув посёлкаси, Правобережная кўчаси, 6-уйда турувчи **Ҳосият Раҳимжоновна Бийжанова**нинг Оржоникидзе районидаги «Октябрь Х йиллиги» дам олиш уйининг ёрдамчи хўжалигида турувчи Рўзмат Бийжанович Бийжановдан ажралиш ҳақидаги иши Чирчиқ шаҳар халқ судида кўрилади.

Тошкент область, Калинин район, Қатортол қишлоқ Советидаги «Москва» колхозида турувчи **Восил Расуловнинг** Тошкент шаҳар, Машраб кўчаси, 18-уйда турувчи Жўра Расулова (Аҳмедова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

Пугачёв кўчаси, 11-уйда турувчи **Зуҳра Тоҳирова**нинг Кичик қозиравот кўчаси, 20-уйда турувчи Ёқуб Тоҳировдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

Кафанов кўчаси, 102-уй, 3-квартирада турувчи **Елизавета Леонидовна Кужерская**нинг Армавир кўчаси, 1-уйда турувчи Геннадий Андреевич Леонтьевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Ленин район халқ судида кўрилади.

Дубицкий кўчаси, 44-уйда турувчи **Марҳамат Алиматовна Жонтемирова**нинг шу уйда турувчи Шомил Қурбонович Жонтемировдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район халқ судида кўрилади.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, № 26.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545, Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 31226. Пропаганда — 27221. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалик — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 31226. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.
Р 08529 ИНДЕКС 64543 № В. 63.